

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ

ЮЛДУЗЛАР
ЁҒДУСИ

ТОШКЕНТ
«УЗБЕКИСТОН»
1979

ББК 41.4
Ў 19

Ў $\frac{40403-232}{М 351 (04) 79}$ — 88—79—0802010204

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1979 й.

ИГИТНИНГ ЗҮРИ ЕР ОЧАДИ

Қиш эди. Теварак-атрофда қимир этган жонзот кўзга чалинмайдди. Фақат, ҳов узоқда, тош йўл ёқасида настиқам бостирма уй турибди.

Жиянқул канал ўркачига чиқиб, ўнг-сўлга назар солди. Аччиқ изгирин юзини ялаб ўтди. У тупроқ уюми устидан уч-тўрт ҳатлаб тушди-да, юк ортилган машина томон юрди. У кела-келгунча бийдек даштга қараб, анграйиб турган шерикларига:

— Нега қараб турибсанлар? Юкларни тезроқ тушириб, ўтовни тиклаш керак-ку. Кўрмаяпсизларми, домига тортгудек бўлиб келаётир, — деди адир томонга ишора қилиб.

Чиндан ҳам бир пасда қалин тумандан олдин Кўҳитанг тоғи, кейин Қоракамар адири кўринмай қолди. Шеробод каналини, сўнг ҳалиги шумшайиб турган уйни ҳам туман босди. Жиянқул ўтов атрофига айлантириб, тўрт-беш хода қоқди. Ўтовга арқон тортилди. Улар ичкари кириб, муз ерни ёриб, ўчоқ очаётган эдилар ҳамки, ўтовга нимадир гуп этиб урилгандай бўлди. Жиянқул ташвишланиб ўтов эшигидан бош чиқарди. Юзига нам ёпишди. Туман мўридан бурқсиб чиқаётган тутун сингарни қалин эди. У довул измида чархпалак ўйнардди.

Чамаси, чорак соат ўтгач, довул шиддати пасайди. Туман чўл тўрига ўтиб кетди. Изгирин келди. Қор учқунлай бошлади. Қўлбола ўчоққа шох-шабба ташлашди. Иброҳим телпагининг қулоғини тушириб, ташқарига

отилди-да, бир кучоқ юлгин чопиб кирди. Хўл юлгин тарс-турс чўғ сачратиб ёна бошлади. Учоқ бошида дав-ра олиб ўтирганларнинг ичи илигандек бўлди.

— Ана энди бир қулинг ўргилсин чой бўлсайди, — деди кафтларини чўғ тафтига тутиб, ишқаб-ишқаб қўяр-кан Қорабой. — Нима қилдик... Танга ташлаймизми ёки ёшга қараймизми?

— Ёшга-да. Ёш келса ишга, деган гап бор-ку, — деди Жиянқул кулиб.

— Ундай бўлса, ана, сатил, укавой. Каналга тушиб чиқасиз. Музни ёрасиз-да, сув олиб келасизми, баллиқ тўлатиб келасизми, ихтиёр сизда, — деди Қорабой.

Жиянқул челак кўтариб ташқари чиққанди, йўлдан ўтовга қараб юк машина бурилди. Жиянқул изғиринга тескари туриб унинг келишини кутди. Кабиннадан ўрта бўйли, эски пальтосининг ёқисини кўтариб олган, сийрак сариқ мўйловли бир киши тушди. У Жиянқул билан қўл олиб кўришгач, машинадаги нарсаларни тушириб олиш-ни айтди. Узи эса тўйнуқдан чиқаётган тутунга бир-икки қараб, ичкари кириб кетди. Жиянқул машина кузовининг бир бурчагида учта палатка кўрди. Демак, директор келганимизни билибди. Эртага Деновга тушиб, «Хўжам-қулларни ҳам кўчириб келиш керак», — деди у ўзинча.

Осмон таги қуюқлашди.

Намдан қоп-қора тусга кириб турган ер улар кўз олдида оқара бошлади. Палатка олиб келган киши ҳовли-қиб жўнаб қолди. Унинг омбор мудирини эканлигини Қорабойдан билишди. Қорабойнинг у билан иссиқ хайрлашганидан олдиндан салом-алик қилиб юрганини сезиш мумкин эди. Лекин Қорабой шерикларидан бу танишлигини яширишга уринарди.

Орадан сал ўтмай, сир ошкор бўлди. Омбор мудирини Қорабойни чўлга катта ваъдалар бериб, ҳеч бўлмаса, бригадир қилиб қўйишга қурби етишини иеш қилиб, етаклаб келган экан. Омбор мудирини ваъдасида турди. Қорабой Маҳмудов бригадир деб эълон қилинди.

Уч-тўрт чоғли йиғитлар кечқурун Қорабойни саволга тутишди.

— Трактор ҳайдаёласизми?

— Йўқ, рулини ушлаган бўлсам ўлайин, хи-хи... Ни-мага бундай савол беряписизлар ўзи?

— Ҳа, энди ҳовлиқманг-да, шунчаки сўрадик-да. Нима, ҳаддимиз сиғмайдими?

— Хўш, сўраларинг, яна?..

— Экин суғормайсиз, чопиқ қилмайсиз, пахта термай-сиз, шундайми, катта?

— Бу нима гап? Жиянқул сен айт, колхозга ўмбар неча йилдан бери аъзо. Ўн йиллар... Баракалла! ўмбар Холтўраев бригадир бўлиб, бирон марта трактор ҳайда-дими, чопиқ қилдими, сув тарадими, қани, айт-чи?

— Йўқ, — деди Жиянқул вазмин оҳангда.

— Балли.

— Чўлда талаб, шароит бошқа, Қорабой акам. Хол-тўраевнинг етмиш гектар ери бор эди. Лекин аъзолари сонига келсак, сал кам юз нафар эди. Бу ерда бўлса... бир кишига ўн гектар деяверинг... Колхозни қўйинг, акам. Энди чўлдан гапиринг!

Ҳали бригадирликнинг бисмилтосини ҳам бошлама-ган Қорабой танг аҳволда қолди. Аъзолар ҳоли-жонига қўймай, муаммоларни кўндаланг қўяверингач, охири бурни қизариб, жаҳли чиқди.

— Боринглар бўлмаса директорга. Айтинглар, бўл-майди, денглар!

Бригада аъзолари ростдан ҳам директор ҳузурига кп-рив боришди. «Биз жамки ҳосилни механизация ёрда-мида етиштирмоқчимиз. Қўл кучи ишлатсак, таннарх ошиб кетади», — дейишди улар. «Хўш, муддаоларинг нима?» — сўради директор. «Муддаомиз шуки, бизга кўпроқ техника беринг. Бу — биринчиси. Иккинчидан, бригадир механизатор бўлсин. Ўзи ер очиб, ўзи чигит қа-дасин, ўзи ҳосилни йиғсин. Бизга шундай киши керак».

Қорабой эса бригадада ортиқчадай эди. Трактор ҳай-

дашни билмаса, ғўзани суғормаса, пахта термаса! Саккиз-тўққиз кишига бир бекорчининг нима кераги бор? Нонни улар ҳисобидан еса, буйруқ беришдан нари ўтмаса! Шуларни шарт-шарт айтишган эди, директор ўйлаб туриб: «Хўш, ким бригадир бўлиши мумкин? — деб сўради. Шунда ҳаммаси Жиянқул Рустамовнинг номини тилга олишди. Директор рози бўлди.

Ҳаво юмшади. Булутни ёриб белги берган қуёш нур сочди. Унқир-чўнқирлар, канал ўркаклари соясида қолган қор, муз парчалари ялт-ялт товланади.

Жиянқул муздай ҳаводан тўйиб нафас олди. Дизелнинг ўриндиғи, рули, ўнг ва сўл қанотларидаги ун гарди сингари қировни артди. Кейин настига тушди-да моторни юргизиб кўриш ниятида унинг қайишини сўнггигача ўраб, зарб билан тортди. Дизель парраги олдин секун-секун, сўнг эса кўз илгамас тезликда айланди.

Мотор тариллаб, теварак-атрофни қоматга келтирди, бир тўп қарға кўкка гувв кўтарилди. Қанал ортида ёйилиб юрган қирқ-эллик чоғли қўй уюрилиб тўда бўлди. Чўл сукутига раҳна тушди.

Икки ҳафта ортда қолди. Жиянқул ўзига ҳисоб берган бўлди: «Шу даврда нима иш қилдик? Ҳеч нима! Бундан чиқди, гавжум жойни ташлаб, ҳордиқ чиқаргани ҳолироқ жой излаб келибмиз-да! Йўқ, бунақаси кетмайди». У каналнинг у ён-бу ёнига ўтиб, худди йўқотган нарсасини излаётган киши сингари анча айланиб юрди. Баъзан тўхтаб ўзича хаёл сурар, сўнгра хамиртуршдек кўнчиган тупроқни кафтига олиб эзиб кўрарди. Унинг бу ҳаракатини анчадан бери кузатиб турган директор завқланди. Бош ирғаб, «қойил, қойил», деганча Жиянқул томон юрди. Жиянқул директорини кўргач, савол берди. Директор алиқ ўрнига, савол ташлади:

— Ҳа, нима излайсиз?

— Ҳазина-да, хазина! — кулди Жиянқул ва гапида давом этди. — Ер тобга келибди. Ишни бошласак ҳам бўлар. Яхши келдингиз. Ҳали ер сўраб бормоқчи эдим.

— Ер? Қанақа ер? — ажабланди директор.
— Энди... қаердан... неча гектар дегандай...
— Ҳм... гектаримн? Хоҳлаган жойдан, нстаганингизча! Қувватга қараб, одам кучига қараб. Бир учн қумтепагача, бир томонн катта асфальтгача бизга тегншли. Энди сиздай азаматлар керак бизга. Юз, икки юз нафар...

* * *

Тонг.

Трактор чўл узра наъра торғди. Аму томондан ел эсди.

— Ҳайданг! — деди Иброҳим плуг ўриндиғига жойлашиб ўтираркан Жиянқулга. Трактор бир маромда юриб кетди. Хўжамқул, Ражаб Шерматов, Иброҳим Хуррамовлар ич-ичдан қувониб плугнинг кетидан узоқ қараб туришди. Чўлга ҳужум бошланган эди.

Эрталаб директор-у партком, агроном-у бўлим бошлиғи — совхоз катталарнинг ҳаммаси келишди. Ҳамманинг юзиде табассум жилва қиларди. Ниҳоят, асосий ишга қўл урилган, трактор наъра тортиб чўлни шудгорлаб борарди.

Рустамов бригадаси ишга дадил киришганини кўриб, совхоз директори улар ихтиёрига яна бир трактор беришни буюрди. Жиянқул директорнинг машинасида бориб, ҳали бўёғининг ҳиди ҳам кетмаган яна бир «Олтой» ни миниб қайтди. Энди Иброҳим ҳам рулга ўтирди..

Жиянқул бригадасида икки трактор билан ана-мана дегунча саксон гектар ер ҳайдалди. Кейин шудгорга мола солиб текислашди. Экин-тикин пайти келганда олдин бир сндрә чизел юргизиб, сўнгра чигит экишди.

Жиянқул ич-ичидан севинарди.

* * *

Чўл чўлда. Табиатигина эмас, тупроғи ҳам асов эди. Сув жиловсиз от каби тутқич бермасди. У ҳали тупроқ тагига сингиб йўқолар, ҳали биринчи эгатдан ўтиб, учини-

чи ёки тўрттинчисидан қайнаб чиқарди. Жиянқул бир ой олдин метиндек қаттиқ бўлган ер сувни балодек ютаётганлигини кўриб, донг қотиб қолди. Ер чанқоқ эди. Уни қиш бўйи қор-у ёмғир тўйдира олмаган. У сувни гўё сипқирарди. Сув ўтган жойлар эса чўкиб, нураб, усти остига тушиб, илма-тешик бўлиб қоларди. Нима қилиш керак? Жиянқулнинг тунроққа қорилаётган ниҳолларга қараб, юраги ачишарди. Улар кечагина ниш отиб, белги берганида у кўкка сакрагудек севинган эди. Энди бўлса шундоққина кўз ўнгида уларни ер комига тортаётир. Нима қилсайкин? Хўжамқул, Иброҳим, яна бир неча киши қўлида кетмон, сувни эгатлар бўйлаб оқизамиз, деб ҳаллослаб юришибди. Ҳатто Жиянқулни кўргани келган ўғли Исмоил ҳам улар билан бирга ивирсиб юрибди. Жиянқулнинг боши қотди. Далага узоқ қараб туриб, кетмон кўтариб юрганлар томонга қараб бақирди:

— Сувни тўхтат!

Кейин бошини кафтларни орасига олганча ўқариқ қирғоғига ўтириб қолди. Шу алпозда қанча ўтирди — билмайди. Бир пайт Алиқул бобонинг овозини эшитиб ҳушёр тортди. Отаси ҳам ўсиқ қошларини кериб, кўзларини даладан олмай қараб турарди. Оппоқ соқолнинг бир силаб, ажин босган пешонасини қаттиқ ишқади. Сўнг гоҳ эгат ичидан, гоҳ эгат устидан, ниҳолларнинг оёғи остида қолаётганига ҳам эътибор қилмай, йиғирма-ўттиз қадам дала ичкарисигача бориб қайтди. Ҳамон бошини ҳам қилиб ўтирган Жиянқулнинг ёнига келиб, қаққайиб турди.

— Кўнглимга-ку келиб эди-я. Бориб айтайин деб эдим-а. Бай-бай... Тин ер-ку, чўкади деб ўйламадингми?

Шунда Алиқул бобо кўни йил бурун бўлган бир воқеани айтиб берди. Наманганлик Маллабой Боқибоев ғўзаларни шахмат усулида жойлаштиришни топган йиллари экан. Ушанда тўқайзорлар, ботқоқ ерларни ўзлаштириш учун ҳужум бошланган. Алиқул акалар ҳам бир бригада тузиб, ўттиз-қирқ гектарлик тўқайга ўт қўйиб ер очишган. Эрта баҳорда ерни уч-тўрт ҳайдаб, тўқай, юлғин илди-

ларини териб ташлашган-да, чигит экишган. Уруғ бир текис кўкарган, худди манови Жиянқуллар даласидаги сингари. Кейин тунда сув тараб эртаси қарашса, картанинг ҳар ер ҳар ерида биттадан ниҳол қолганмиш. Ушанда бригада одамлари қишлоққа қайтиб кетишган экан.

Жиянқул отасининг нақлини ўзича тушуниб, босиқ овозда деди:

— Биз ҳам жой-жойимизга қайтайликми, ота?

Ота майин овозда деди:

— Кетасанми, кетмайсанми, ихтиёр ўзингда. Лекин, ўғлим, унда техника дегани кам эди. Колхоз бўйича бир сеялка навбат билан ишлар эди. Энди бўлса, ўзларинг саккиз киши-ку, қўлларингда у вақтдаги уч-тўрт колхознинг техникаси бор...

Кейин икковлари ҳам анчагача сукут сақлаб ўтиришди. Алиқул бобо Жиянқулга вақтида келиб маслақат беролмаганлиги, йўл-йўриқ кўрсата олмаганлигидан ўзини койиди.

— Хайр, ўғлим, омон бўл. Мен кетдим.

— Жиянқул отаси изидан термулиб қараб қолди. Қариб қолибди отаси. Йиллар залвари унинг қаддини хиёл букибди. Шу ташвишни бир ёқлик қилиб олсин, ёздаёқ данғиллама уй қуриб, ҳаммасини — Хадичани ҳам, отонасини ҳам буёққа, чўлга олиб келади. Ана ўшанда фарзандларини суйиб эркалайди. Ҳозир бўлса, далани бузиб, қайта чигит экиш ҳақида ўйлаш керак. Далани бузиш... Қандай оғир-а!

Жиянқул ўзи бош бўлиб, бутун саксон гектар ерга қайта сув қўйди. Тупроқ чўкканча чўкди, зичлашди. Ҳафтага етар-етмас ер тобига келди. Яна чизеллаб мола бостириб чигит экишди. Рустамов бригадасининг тажрибаси бошқаларга ҳам қўл келди. Бошқа бригадалар ерни бир сидра сувга бостириб, кейин уруғ экишди.

Ишнинг бир орқага кетмасин экан. Апрельнинг сўнги кунлари эди. Бир парча булут нақ улар устида пайдо бўлди. Ялт-юлт чақмоқ чақиб, тасир-тусир дўл ташлай

бошлади. «Бўлди бўлганча! Яра устига чилқон!» — алам билан кўкка боқди Жиянқул. Кейин ўтов керагасига пешонаснини қўйди-да, ичига тортиб кетган кўзларини чирт юмди. Боши-ю елкасига дўл доналари тарс-турс ура кетди. Жиянқул муз ютгандек бўлди, бадани сесканди, оёқлари қалтираб, аъзойи-бадани титрай бошлади.

У йўлга чиқиб олганни ўзи ҳам билмай қолди: «Ҳозир, гаражга бораман. Машина сўрайман. Кетамиз».

У тош йўл бўйлаб, орқа-олдига қарамай, идора томон кета бошлади. Назарида, шундайгина ёнида шимадир шилғ этиб тўхтагандек бўлди. Бурилиб қараса — Шоймардон Қудратов! Жиянқул оғир дамда волидан бузрукворини учратган фарзанддек унга отилди. Шоймардон Қудратов унинг овозига қараб, вазиятни тушунди, шекилли, лекин шундай бўлса-да, сир бой бермай сўради:

— Аҳволинг қалай, ўзи? Эшитдим, яхши қилибсан. Чўлга сендақалар керак, — деди у.

— Йўқ, мендақалар керак эмас экан, Шоймардон ака! — деди Жиянқул бутун дард-аламинини шу сўзларга жамлагандек.

— Ҳа, нима бўлди? Бундоқ, йиғитга ўхшаб гапирсангчи!

— Чўл чап берди.

— Нима деясан, ўзи.

— Қаранг, атрофга қаранг! Бошқа бирон бригада картасига дўл тегибдими? Омаднинг тескари келгани шу-да. Омаднинг келмадими, ақл-ҳушинг борида. этагинини йиғишинг керак.

— Ҳо... Йў-ўқ, укам, Жиянқул, — Шоймардон унинг елкасига қўлини қўйди, — яхши эмас. Бошқаларнинг ернига дўл ёрмади, деб алам тортишинг яхши эмас... Вой, сен-ей, қани, кетдик, қаерда даланг? — «У дўл урган икки-уч картани кузатиб, ўзича кулиб қўйди. — Шунга шунчами? Бе!.. Ҳечвақонни кўрмаган экансан, укам. Билсанми, май ойида икки марта қайта эккан пайтларимиз бўлган». Сен буни бузмайсанку-я. Қатқалоқдан тозалай-

сан, эзилган-синганларининг бўғзига майин тупроқ бера-сан, холос. Шунга шунчами? Э, қўй-е! Кетишни хаёлинг-га ҳам келтирма. Чўл ана шундай, укам, синайди. Ботир-ни шошпрати, қўрқоқни эса қочиради.

Жиянқул уста пахтакорнинг сўзларини бош эгиб тинглади. Сўнг дала томон аста одим ташлаб кетди. Бригада аъзолари билан ишни қайси даладан бошлашни келишиб олди. Сал ўтмай, уч юк машинаси ўтов олдига келиб тўхтади. Ундан бир неча ёшлар тушиб, Жиянқулнинг даласига оралади. Улар ёрдамга келишганда олдин йиқилган, эзилган кўчатлар бўғзи юмшатилиб, нақ қўш қулоғига қадар тупроқ тортилди. Кейин культиватор юргизилди. Ёўзага ўғит, гўнг солинди. Яна аслига қайтган ёўзага меҳр кўзларини қадаркан, Жиянқул кўпнинг кучига тан берди.

Ўша йили ҳосил ёмон бўлмади. Кузда Жиянқул янги — «Ўзбекистон» машинаси билан 310 тоннадаё ошириб пахта терди. Бригада социалистик мажбуриятни шараф билан бажарди. Чўл энди уларнинг измида, асов от эгарланган эди.

Бироқ энди Жиянқулнинг ўзини янги ер очиш ишқив қамраб олган эди. Бу нарса унга тинчлик бермасди.

* * *

Кечки пайт.

Радиодан қуй янграмоқда. Газ плита устида пшшаётган овқат ҳиди атрофга таралиб, димоқни қитиқлайди.

Жиянқул бошлиқ бригада аъзолари ўтган йил ташвишларини эслаб, суҳбатлашиб ўтиришарди.

— Чўл тилини энди билдик-ов...

— Ҳали билганинг йўқ.

— Хўш, нега?

— Сен манови бир парча ернинг тилини билдинг, холос. Ҳов, у ерга борсанг, бошқа калит излашинг керак. Бу ер бошқа, у ер бошқа. Чўлнинг ҳар қадамида бир сир билдингми?

— Ҳар ҳолда чўл табиатини, чуқур бўлмаса ҳам, билдик-да?

— Ҳа, балли, бу бошқа гап.

Жиянқул бу баҳсга қулоқ тутаркан, кўнглидаги гапни ўртага ташлаш учун қулай вазият вужудга келганлигини ўйлаб, Хўжамқулга савол ташлади:

— Чўл тилини обдон билмоқчимсан?

— Албатта.

Жиянқул худди катта йиғинда ваъз айтаётган нотиқдек босиқ оҳангда сўзлай бошлади:

— Ростдан ҳам, чўл табиатига анча-мунча тушундик. У ландовурликни, иккиланишларни ёқтирмайди. Шундай кишиларни жазолайди, калака қилади. Ҳа, шундай. Мен сизларга айтсам, ўртоқлар, анчадан бери ўйлаб юрган-им: бир жойда турғун бўлиб қолмаслик! Яна аниқроғи — чўл қувиш, ҳар йили ер ўзлаштириб, уни ўз измига солиш! Сизлар қандай ўйлайсиз, билмадим-у, аммо менинг назаримда, чинакам чўлқувар деб манови бепоён даштнинг ичкарисига тобора дадил кириб борган, асов дашт билан бетиним олишиб, ғолиб келган кишиларни атасалар керак. Биз худди шу ном учун курашувимиз керак. Нима дейсизлар?

Бригада аъзолари унинг фикрини маъқуллашди. Жиянқул ўтирганларга Қосим Раҳимов номли совхоз ташкил этилганлигини айтиб, ўша хўжаликка ўтиб, янги ер очамиз деди. Ҳамма рози бўлди.

Ўша йили Жиянқул Рустамов бошлиқ бригада чўлқуварлари янги совхоздан 80 гектар ер очиб, 42 центнердан ҳосил кўтаришди. Чўлда биринчи марта бундай юқори ҳосил олинган эди.

Мўлжалдаги ҳосил тўиланди-ю, аммо Жиянқулнинг хотирасида бир воқеа ўчмас из қолдирди. Авжи терим пайти эди. Жиянқул ҳафта-ўн кун эрта тонгдан ярим тунгача даладан чиқмади. Лекин кўп ўтмай, у ўзида ҳорғинлик сездди. Қўллари рулни аввалгидай маҳкам

тутолмаётгаидек эди. Хўжамқул нонушта пайтида Жиянқулга деди:

— Навбат ўрнатиш керак, акавой! Бу аҳволда зўриқиш ҳам ҳеч гаимас.

— Қим билан навбат қилай? — ўйланиб қолди Жиянқул. — Совхозда ўнта механизатор етишмайди. Навбатга йўл бўлсин.

Шунда Хўжамқул ўрнидан турди-да, пайкал четида турган машинани чаққон ўт олдириб эгатга солди. Жиянқул қўлини пахса қилганча, «тўхта, тўхта» деганча қолди. У пайкал охирига етиб, «зангори кема»ни енгил бўриб олди. Жиянқулнинг эса кўнгли яйради, укасига тан берди: «Вой, тирмизак-ей, қачон ўрганди экан-а».

Хўжамқул бункерни бўшатиб, машинани жойига қўйди-да, бир-бир босиб Жиянқулнинг ёнига келди.

— Қачон ўрганувдинг?

— Сиз йўқ пайтларда...

Жиянқул укасини қучоқлаб олди.

— Нега ўзимга айтмадинг, иятингни?

Машина тўлиқ икки сменада ишлай бошлади. Ака-ука навбат билан руль бошқардилар, ўша йили Жиянқул Рустамов экишажги 800 тонна пахта териб, элга доврў таратди. Совхоз Жиянқулни енгил автомашина билан мукофотлади. ВДНХ нинг дипломини олди, «Республикада хизмат кўрсатган механизатор» унвонига сазовор бўлди. Совхоз механизаторлари тўпланган бир йиғилишда Жиянқул бир масалани ошкор ўртага ташлади.

— Мен, — дедн у, — ўз тажрибамдан бир нарсга ишонч ҳосил қилдим. Машина теримини сменали ташкил қилмай туриб, техникадан унумли фойдаланиш мумкин эмас экан. Бунн нима билан исботламоқчиман? Хўжамқул ёрдамчи бўлмасдан олдин теримга тушган биринчи кунини ўн беш тонна пахта тердим. Иккинчи кунн ҳам шунча бўлди. Учинчи кунн ўн тўрт, тўртинчи кунн ўн ул тоннага тушди. Бешинчи-олтинчи кунларн бўлса, икки тоннадан камайди. Охири, куннга тўрт-беш тоннадан

ошмай қолди. Хўжамқул акасига ёрдамчи бўлиб ўтгач, икки кундан кейин яна олдингидай ўн-ўн беш тоннадан тердик. Ҳа, пахта бор эди-ю, билакда куч кун сайин камайиб бораётганди. Қўлларим рулни зўрга ушларди. Буннинг устига нонушта пайтнда, тушлик ва кечки овқатланиш вақтнда машинам қантариқлик турарди. Шу вақтда у ишлатилса, неча бункер бўшатиш мумкин эди? Биринчи терим бўлса, бир соатда икки-уч бункер тўкиши мумкин, шундайми? Мен эса ҳар кунни машинани камидан уч соат бекор қўйганман. Ана энди ўзингиз ҳисоблайверинг, биз нимадан ютқизянимиз.

— Таклифингиз? — деди кимдир.

— Таклифим... Ундан олдин яна бир нарсани айтмоқчиман. Бизда ҳозир ҳар ким ўз билганича от чопаяпти. Бу яхши эмас. Хўш, буннинг сабаби нимада? Биринчидан, ишнинг нотўғри ташкил қилинганда. Иккинчидан, машиналар пайкалларга тарқатиб юборилганлигида. Учинчидан, биз тонналар қули бўлиб қолаётганмизда. Тонна изидан қувиш эса ҳосилнинг исроф бўлишига, пахтанинг сифатсиз терилишига олиб келмоқда.

Жиянқул гапини тугатиб, жойига бориб ўтирди. Анча фурсат хона сув сепгандек, жим турди. Кейин Абдусаттор Қурбонов ўрнидан аста турди-да, салмоқлаб гапирга бошлади:

— Жиянқул тўғри айтаяпти, ўртоқлар, — деди у. — Ҳамманинг дилидаги гаплар. Ростдан ҳам пойгамиз тартибсиз бўлиб кетди, бош-охирини йўқ... Алоҳида олганда ҳам, совхоз бўйича ҳисобласак ҳам кунлик терим пайиниб бораётир.

— Нима қилиш керак? — овоз эшитилди.

— Бу саволин ўтган кузда ўзимиз ўзимизга беришимиз керак эди. Энди фойдаси йўқ. — Абдусаттор ўйлаб туриб, яна давом этди — смена билан ишлаш учун замин керак. Бизда эса замин йўқ. Механизатор кадрлар тайёрлашимиз, уларни ўзимиз ўқитиб, ўргатишимиз керак. Кузда, қишда мактаб очайлик, ўқитайлик.

Залдан овозлар эшитилди:

— Тўғри гап.

— Шундай қилиш керак.

1972 йил куз-қиш ойларнда совхозда механизаторлар тайёрлаш курси ташкил этилди. Бу хайрли иш тезда районга, райондан чиқиб областга ёйилди. Юзлаб йигит-қизлар терим машиналари рулини бошқара бошладилар.

* * *

У яна чўл қувди. Янги ер очди. Ҳар гал 80—85 гектардан. Ер тобига келгач, ёшлардан бировига қолдирди-да, ўзи илгарилаб кетаверди. Унинг меҳнатдаги жасорати муносиб тақдирланди. Кўкрагини Меҳнат Қизил Байроқ ордени бегади.

1974 йилда янги, Будённий номли совхозга ўтди. Яна ўша саккиз ишчи билан 86 гектар ерни ўзлаштиришди. Сув кам, шароит ноқулай эди. Лекин энди Жиянқул ҳам, унинг шериклари ҳам дастлабки йиллари бўлган сингари «чўл чалишларидан» қўрқадиган кишилар эмасди. Энди улар ер тилини билиб, қийинчиликларнинг олдини олишга уста бўлиб қолишган эди.

Шу йили гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳазилакам эмас бу. Яна биринчи йил очилган ердан шунча ҳосил олиш! Ҳар қандай деҳқонга ҳам бундай омад барини тутқазавермайдн!

* * *

Жиянқул стол устидаги икки буклоқлик газетага кўз қирини ташлади: «С. М. Будённий номли совхоз механизатори Жиянқул Рустамовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди тўғрисида...». Ҳа, шундай.

Унинг миқти гавдасида ҳарорат юргандек бўлди. Чўл шабадасида қуришган лаби ип тортди. Қуёшда тобланган кулча юзига нур чоиди. У ўрнидан енгил қўзғалди ва бригада аъзолари ёнига борди. Олдин Хўжамқул Руста-

мовни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан табриклади. Сўнг Иброҳим Раҳимов, Иброҳим Хуррамов, Ражаб Шерматовларни бирин-кетин қучоқлаб, суюб, учинчи даражали Шуҳрат ордени билан қутлади. Бошқа забткор шерикларига ҳам соғлиқ, омад тиладн.

Кечқурун область, район раҳбарлари иштирокида митинг бўлди. Майдонга йиғилган одамлар СССР Олий Совети Президиумининг қарорини олқини билан кутиб олишди. Жиянқулни табрикламаган, қўлини қисмаган одам қолмади. Дўстлари — механизаторлар уни қучоқлайвериб ҳол-жонига қўйишмади. Сўзга чиққанлар бутун бригаданинг меҳнат жасоратини мадҳ этдилар.

Кейин унга сўз беришди.

Дастлаб нима деярини билмади. Ҳанг-манг бўлиб қолди. Сўнг сўзлар қалбидан отилиб чиқди:

— Ватанимга, партиямга хизмат қиламан!

* * *

Ҳаёт оқими билан баравар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамов ҳам илгарилаб бормоқда. У ўйлайди, режалар тузади. Энг аниқ, энг равон йўлни танлайди. Сўзлари сермаъно, ўйлари теран бу йиғитга Ленин йўли район партия комитети доираси кенгроқ, масъулиятн кўпроқ бошқа бир муҳим ишни топширган.

Мана, уч йилдирки, у бўлим бошлиғи. С. М. Будёний номли совхознинг етакчи бўлимларидан бирида билими, тажрибаси, куч-қувватини халқ хўжалигига сафарбар этган. Бўлимнинг қарийб 500 гектар пахта майдони бор. Бундан ташқари бўлимда маккажўхори, сабзавот-полиз маҳсулотлари, беда ҳам етиштирилади. Олдинлари фақат пахтани ўйлаган, пахта ташвиши билан яшаган Жиянқул Рустамов энди бир қанча бригадалар коллективи ҳақида бош қотиради.

Далаларда ғўзанинг барқ уриб ривожланиши, тракторларнинг бир маромда ишлаши, мўл-кўл сабзавот ва

полиз маҳсулотлари етиштирилиши унинг раҳбарлик маҳоратига боғлиқ, албатта. Шу босидан унинг ташвиши, масалан, 1975 йилдагига қараганда ҳозир ўн ҳисса ортиқ.

Жиянқул Рустамов ҳаммасига вақт топа билнши керак. Ҳам бригада бошлиқларига маслаҳат бериши, ҳам иш сифатини кузатиши, ҳам одамларнинг арз-шикоятларини тинглаши ва уларга ғамхўрлик қилиши, зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак. У шундай қилаётир ҳам!

Ишни режалаштириш ютуқларнинг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Жиянқул Рустамов бошлиқ бўлим 1976 йилда гектар бошига 35 центнердан, 1977 йилда эса 38 центнердан ҳосил етиштирди.

Бўлим илгарилаб бормоқда. Бунинг сирини нимада? Ҳамма барабарига: «Одамлар меҳнатидан!» дейди, албатта. Худди шундай! Бўлим пахтакорларининг тер тўкиб меҳнат қилиши асосий ютуқлар омилдир.

Жиянқулнинг укаси Хўжамқул ҳамон акаси билан елкама-елка меҳнат қилмоқда. У энди бригада бошлиғи. Жиянқул Рустамов укасининг ишидан хурсанд.

Хўжамқул Рустамов бошлиқ бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик юбилейини юксак меҳнат ютуқлари билан нишонлади. Улар 1977 йилда «Октябрь 60 йиллигига 60 центнердан ҳосил!» шиори остида меҳнат қилиб, 50 гектар пахта майдонидан 56 центнердан хирмон кўтаришди.

Бригада азаматлари етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб олишди. Хўжамқул Рустамовнинг ўзи берган ваъдаси — 500 тонна ўрнига 550 тонна ҳосилни «пўлат этак»дан тўкди.

Бундай шижоаткор «оқ олтин» ишдорлари кўп. Тошмамат Ҳамзаев, Чори Тўрахонов, Арабали Дўстмуродов, Бозор Пўлатов, Холиёр Бозоров, Нормўмин Иброҳимов, Жовли Тўраев... Улар юксак чўққиларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда

ЭРДОН

Эрдон меҳнат фаоллятини жуда эрта бошлади. Ун олтида эди, шекллди. У кетмон кўтариб, далага чиқди. Ярим кун ўқиса, ярим кун ишлади. Тунда кўзлари уйқуга кетгунга қадар дарс тайёрлади. «Сен етим эмассан» шеърини ўша йиллари ёд олганди. «Сен етим эмассан, тинчлан жигарим...». Бу шеър гўё унга атаб ёзилгандек эди. Уни ўзнча куйга солиб, якка-ёлғиз қолганида куйлаб, ўзига-ўзи далда берган пайтлари ҳам кўп бўлди. Кейинчалик «Тинч Дон»ни, «Шинелли йиллар»ни, «Етим»ни, «Олов қизи»ни ўқиди. Булар ундаги орзулар чўғини янада кучлироқ ялтирлатириб юборди. Иродасини мустаҳкамлади, қийинчиликларга бардош беришга ўргатди.

Сўнг учинчи синфни тамомлади. Ҳарбий хизматни ўтади. Институтни тугатди. У институтда ўқиб юрган йиллари машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг ўлка ёшларига қарата даъваткорона чақириғини ўқиб, албатта пахтакор бўлишни кўнглига тутиб қўйди.

Эрдон ўқишни тугатиб ўзининг Шўрчидаги «Ленинобод» колхозига қайтгач, бригада бошлиғи қилиб қўйишди.

Эрдон бу бригаданинг аҳволи билан таниш эди. Ери ўнқир-чўнқир нишабликдан иборат. Бригада ҳосилдорлик бўйича колхозда энг охириги ўринда. Бунинг устига жанжалнинг ҳаммаси шу бригадада эди. Биров кам даромад қилар, яна бири кетмонини елкасига олиб, қўшни бригадага ўтиб кетар, учинчиси бир-икки кун далага чиқмай қўяр, хуллас, турган-бўлгани галва эди. Шунинг учунми, бригадирман деб кўкракка уриб келганлар ҳам бир йилдан ортиққа бардош беролмай, жуфтакни ростлаб қолишарди. Мана, бугун ранс ўша серғалва бригадани унга кўндаланг қилиб турибди. Майли! Ўз бахтини яна бир синаб кўрсин! У бригаданинг бор-йўғи 12 аъзосини тўплаб, яқин кунлардаги ва келгуси режа-

лари ҳақида маслаҳатлашиб олди. Бўлакер ва Дўнг зонасидаги шудгорланган майдонларни айланиб, ўзича қанақасига ўқариқ очиш, қандайга эгат тортишни мўлжаллаб қўйди. Унинг руҳи бошқаларга ҳам юқди. Бригада аъзолари бирон кун ҳам бекор туришмади. Қиш бўйи далага гўнг чиқаришди, сув шохобчаларини тартибга солишди, хирмон, дала шийпонн ва уларга борадиган йўлларни тозалаб, текислашди.

Эрдоннинг орзулари, ўй-хаёллари режали, пухта-пишиқ эди.

Эрдон экниш олдидан шундай ўйларидан бирини рансга айтди.

— Раис, гербицидни кўп мақташайанти-да. Бир синаб кўрсам, нима дейсиз?

Нормурод Норқобилов унинг бу таклифини қувватлади.

Янгилик тўсиқсиз бўлмас экан. Баъзи бировлар гербицидга шубҳа билан қарашди. «Бегона ўтти қуритадиган бўлса, нав-ниҳол гўзани тинч қўярканми» дейишди улар.

Эрдон 61 гектар пахта майдонини ёппасига гербицид билан ишлаб, чигит қадади. Чигитни ҳам янги усулда 90 сантиметр кенликда экди. Бунинг устига районда бўлиб ўтган катта йнғилишда «Биз бу йил ҳосилдорликни камида 20 центнерга оширамиз», деди. Бу ҳаммани ажаблантирди. «Кеча кичиккина бир ишни эпложмаган кишининг гапини қаранг! Бола-да...», дейишди кўплар. Аммо у бор имкониятларни мўлжаллаб, чўтга ташлаб, бригада аъзолари билан бамаслаҳат шу фикрга келганини улар хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Одамда ташвиш бўлгани яхши экан. Кунлар сира билинмай ўтавераркан. Эрдоннинг назарида ўша йилги куз эрта тушгандек туюлди. Баҳор ва ёздаги ташвишларни эса унутгандек эди. Ахир, далани қатқалоқ босганда, Дўнгдаги майдоннинг уч-тўрт жойи бир тундаёқ чўкиб, эгатларни сув ювиб кетганда, гўза минерал ўғит

талаб қилиб қолганда қандай қийинчиликларга дуч келмади у. Бундай пайтларда моҳир сувчилар — Парда Холмуродов, Абдулла Ҳакимов, Халил Юсупов, Мамадулло Донаев, Исо Ҳамзаевлар бригада оғирини енгил қилди.

Эрдон чаноқларда товланиб турган бодроқдек момиқларга боқаркан, ўзича жилмайиб қўярди. Шундан улар ҳам Эрдонга қараб, жилмайгандек бўларди.

Бошқалар аллақачон теримга тушиб кетганди. Ҳар йили карвоннинг олдида борадиган бригадирлар сентябрнинг ўнига қолмай қарийиб 14—15 процентдан пахта топширишганди. Эрдон эса шошилмади. У раисга: «Бутун ҳосилнинг 85 процентини машиналарда теримиз», деганди. Шу гапида турди. Бошқа бригадаларда танлаб териш бошланганда, у ғўза баргини тўктирди. Пайкал тобига келгач, ҳали оҳори ҳам кетмаган бир жуфт машина пайкал оралади. Ҳадемай узоқлаб кетган бригадаларни қувиб етиб олишди. Ҳатто улардан ўзиб ҳам кетишди.

Уша йили Эрдон бошлиқ бригада ҳосилдорликни 21 центнерга оширди. Ҳар гектар пайкалдан 52 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Эрдоннинг назарида, иккинчи йили ҳам ютуқ осонгина қўлга киритилгандек бўлди. Гектаридан 63 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилдорлик 31 центнерга ошди. Энди кўпчилик — бутун колхоз, район Эрдон Қўзимуродовнинг ер илмини пухта ўзлаштириб олганлиги, кенг далалар билан сирлаша билишини тан олди.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Бугунги деҳқон — бунёдкор, ижодкор инсон. У — мўъжизакор. У оддий чингитни ерга қадаб, бутун эл-юртнинг кийинтиради, «оқ олтин» яратади. Шу яратувчанлиги билан ҳам у қадрлидир. Аммо яратиш осон эмас, ал-

батта. Умуман, яратувчанлик заминида бир олам маъно мужассамлашган.

Дастлаб суҳбатимиз шу ҳақда — деҳқон мадҳи ҳақида борди. Деҳқон ва унинг саҳий қалби, пешона тери, қадоқ қўли ҳақида. Сўнг гап тизгини бугунги — авжи баҳор палласидаги юмушларга бурилди.

— Ер текислаш ишлари бошландими? — сўраймиз директордан.

— Аллақачон! — дейди у дадил.

— Чигит суви ҳам бераянсизларми?

— Ҳа, эгат очиб, сув тараямиз. Баҳор яхши келди. Дастлаб серёғин кунлар кўп бўлди. Сўнг ҳаво исиб кетди. Ер уруғ сўраб қолди. Биз ана шу имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Йиғирма тўрт соат камлик қилиб қолаётгандек. Юмушларни битириб улгуролмайсан, киши...

— Ер тобга келган бўлса, борона юргизиб, уруғ ташлайверинг-да. Сиз команда берсангиз бўлди, иш кетаверади.

— Йўқ, мутлақо ундай эмас. Деҳқон энди топшириқ куттишдан кўра, ишга бир қадар ижодий ёндошиш йўллари ҳам излаб қолди. Ҳа, шундай. Масалан, борона!... — бир зум ўйланиб қолди директор, кейин бир қарорга келгандек: — Чигитни боронасиз экиб бўлмасмикин? Шу ҳақда ўйлаб-ўйлаб қўйман. Мумкин, дейман ўзимча. Боронасиз уруғ экса бўлади! — деди.

— Қандай қилиб? Ер текис бўлмаса, уруғ ҳам ерга бир текис тушмайди-ку?

— Ҳа, бўлти! Кетдик, далага. Мен сизга даланинг ўзида тушунтираман. Сизни деҳқон илмига ижодий ёндошаётган жонкуяр кишиларимиз билан учраштираман.

Кенг асфальт йўл. Унинг икки томонида шудгорланган далалар. Узоқ-узоқларда одамлар турли дала юмушларини бажариб юришибди. Бир далада ер текислаш ишлари ўтказилаяпти. Иккинчи бир далада чигит суви бериш учун эгат очилаяпти. Бошқа бир қартада

эса ортига экиш агрегати ўрнатилган трактор чигит қадаб юрипти. Директор бизга қайси дала қайси бўлим ва бригадага тегншли, у ўтган йил қанча ҳосил олган, бу йилги мўлжали неча центнер — ҳамма-ҳаммасини ёддан айтиб берарди.

Машина йўлни кўндаланг кесиб ўтган ариққа етмай, директор шофёрнинг елкасига оҳиста қўл тегнзиб қўйдди. Машина йўл четига чиқиб тўхтади. Директор машинадан туша туриб:

— Бу ерлар олтинчи бўлимга қарайди. Чигитни боронасиз пуштасига экиш усулини тажриба қилаётган бригада шу, — деди ва шудгор ўртасидан биз сари келаётган кишиларни ўзича таништирган бўлди. — Ҳов, олдинда келаётган йилги участка агрономи Қурбонназар Қаримов. Унинг изидан келаётган 7-бригада бошлиғи Жовлиев Йўлдош. Ҳў, униси — Хонимов Турсун. У ҳам бригадир. Тракторда эгат очаётган йилги эса Отақулов Иброҳим. Ун бир йил бўпти, тракторчи.

Биз улар билан бир-бир қўл қленшиб, эски кадронлардек ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг орада бир зум жимлик ҳукм сурди. Шу онда ҳар ким ўзича ўйлаб қолганди: «Гапни нпмадан бошласа, маъқул бўларкин?» Йўқ, мана, гап-гапга улашиб кета бошладди.

— Мослама кептими, Бозоров? — сўради агроном директордан.

— Бир қисми келиб етди. Бугун Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти (САИМЭ)га телефон қилгандим. Қолганларини ҳам тайёрлаб жўнатишибди, — деди директор. — Бу йил неча бригадада боронасиз экиш мўлжалингиз бор?

— Бизга қолса, бутун бўлим ерига экамиз, — деди агроном.

— Яхши! Деҳқон бу янги усулга қизққа бошлабди! — жилмайди Одинақул Бозоров. — Демак, нафисин биллибди-да.

Шундан кейин у совхозда чигитни боронасиз эгат пуштасига экиш бўйича ўтказилаётган тажрибалар хусусида ҳикоя қила бошлади.

Чигитни эгат пуштасига экиш аслида анча эски усул. 1958 йилда СоюзНИХИнинг илмий ходими А. Раҳимбоев бу усулни деҳқон қалбига сингдириш учун анча бош қотирди. У эгат пуштасидаги тупроқни текислаш учун ёғочдан махсус мослама тайёрлаган. Деҳқон бу мосламани яхши қабул қилмади. Бир-икки жойда синаб кўрилди-ю, ортиқча ташвишлари кўнглиги туфайли бу таклиф ўз-ўзидан қолиб кетди. Кейин Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигининг механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти ходими Л. Голишев чигитни боронасиз экиш устида анча изланишлар олиб борди. Охири, у бир йўлини топди. Аммо, барибир, боронадан фойдаланишга тўғри келди. Борона экиш агрегатидан олдин ўтарди-да, ерни юмшатиб, бир қадар текислаб кетарди. Сўнгра қайта эгат очилиб, нам жойга уруғ ташланарди. Бу мослама аслида эгат пуштасини юмшатишга эмас, балки янгидан эгат очиб, чигит экишга мослаштирилган эди.

Бу мослама ҳам деҳқонга ортиқча ташвиш туғдирарди. Чунки деҳқон уруғни нам ерга ташлаш учун қайта эгат очишни хоҳламасди. Деҳқонга бир қадар оддий усул зарур эди.

Тўғри, ҳозир Сурхон воҳасининг айрим хўжаликларида, бўлим ва бригадаларида чигитни эгат пуштасига экиш синаб кўриляпти. Масалан, «Пограничник», «Советобод», Охунбобоев номли совхозларда ҳар йили бир-икки бригада майдонида чигит эгат пуштасига экиб, парвариш қилинмоқда. «Пограничник» совхозининг Эшқул Бўриев бошлиқ бригадасида 1975 йилдан бери бу усул қўлланилмоқда. Бригадада ҳосилдорлик гектар бошига 57 центнерга етди. Аммо бу хўжалик ва бригадаларда эгат очилиб, чигит суви берилган далаларда

олдин борона юргизилиб, сўнг уруғ эгат пуштасига экилмоқда.

— Бу эгат пуштасига экиш эмас. Икки ўн беш — бир ўттиз! Ана, чигитни боронасиз пуштасига экинлар, баракалла, дейлик! — дейди Турсун Хонимов.

— Боронанинг нима зарари бор? Деҳқон борки, шу борона ҳам бор. Тўғри, у энди бир қадар такомиллашган, аммо ўша олдинги ишни — ерни, шудгорни текислаш учун ишлатиб келинади.

Директор саволимизга жавоб беришга чоғланади. Лекин директор эмас, агроном изоҳ бера бошлайди.

— Гап боронанинг фойда-зарари устида кетаётгани йўқ, дейди у, ён дафтарини варақлаб. — Мана, қаранг. Хонимов бригадасида кузатганларим. Бу 1974 йилги кузатиш. 4,5 гектарлик дала. Олдин кузда шудгор қилинган далада ер текислаш ишларини бажардик. Сўнг-ра 90 сантиметрли схемада эгат очиб, чигит суви бердик. Ер тобга келгач, 11 апрель кунини борона юргиздик. Энди гапнинг бўёғига эътибор беринг. Далани текислаймиз, деб қиш бўйи кўпчиб ётган юмшоқ тупроқни бир сидра зичлаштирдикми? Шубҳасиз, тупроқ зичлашди. Грейдер, бульдозерлар оёғи остида тупроқ анча зич бўлиб қолишини деҳқончилик илмидан хабарни йўқ киши ҳам билди. Хўш, бу — бир. Борона ўтказамиз, деб шудгорга яна трактор оралатдик. Ҳар 6 метрда дизель гусеничаси чуқур из қолдирган. Бир гусеничанинг эни 42 сантиметр. Дизель бир ўтишда қарийб бир метр ернинг тупроғини зичлаштириб кетипти. Дизель 4,5 гектарлик далада 40 марта бориб келибди. Бу, сал кам бир гектар ер зичлашди, деган гап. Қурбонназар Каримов кенг пешонасини силаганча, ён дафтарини варақлай-варақлай керакли рақамларни топди шекилли, нафасини бир ростлаб, давом этди. — Ҳали айтганимдай, 11 апрель кунини борона ўтказиб, чигит эдик. Чигит нави «Термиз-7» эди. 15—19 май кунлари биринчи сувдан чиқардик. Уч марта ишлов бердик. Икки марта ўғитсиз

ишладик, бир марта гектарига 100 килограммдан азот билан озиқлантириб ишлов бердик. Ҳар қанча уринмайлик, барибир, мўлжалдаги ҳосилни ололмадик. Нега десангиз ўша гусеницалар ўтган жойларда кўчат жуда кам бўлди. Бир метр майдонда атиги 9 дондан кўчат санадик. Биз эса юқори ҳосил олиш учун ҳар метр майдонда ўртача 11—12 тадан кўчат униб чиқишига эришмоғимиз керак эди.

— Агроном рост айтдилар, — деди бир нуқтага кўз тикканча нималар ҳақидадир хаёл суриб турган бригадир Турсун Хонимов. Трактор изларига тушган чигит айрим жойларда мутлақо униб чиқмади. Баъзи кўкарганлари ҳам нимжон бўлди. Олақуроқ кўчат олдик. Биз асосан чигит суви бериб, кўчат ундирамиз. Шундан бери, чигит суви олинган далага дизель оралатмаслик пайида бўламан.

Сухбатга Йўлдош Жовлиев қўшилди.

— Олдинги йили 12 гектарлик бир картани танладик. Бу ҳам бир тажриба дедик-да, даланинг ярмига борона солиб, ярмига эса боронасиз чигит эдик. Уруғни ерга бир кунда ташладик, — деди у. — Еримиз қумлоқ. Аммо сув, об-ҳаво шаронти бир хил! Кўчат ҳар хил унди. Боронасиз экилган майдонда кўпроқ, борона ўтказилган ерда эса камроқ бўлди, чигитнинг униб чиқишида ҳам, ғўзанинг ривожланишида ҳам, ҳосилдорликда ҳам анча фарқ бўлди. Гектар бошига қарийб 10 центнер фарқ бор. Эҳтимол, бу тасодифдир...

Эҳтимол!... Одатда ҳар қандай тажриба, ҳар қандай кашфиёт ҳам дастлаб одамга гайритабиий туюлади. Шунда кўнгилда турли-турли тахминлар, Йўлдош Жовлиев айтгани сингари, «эҳтимол»лар пайдо бўлади. Бу эса ҳақиқатнинг, тадқиқотчи-ю деҳқон кутган ҳақиқатнинг рўёбга чиқишини тезлаштиради.

— Ўтган йили икки бригадамизда чигитни боронасиз эгат пуштасига экиш усулини қўлланган эдик, — дейди директор. — Икки бригада ҳам 40 центнерга еткан

зиб ҳосил олди. Ғўза тез ўсди, ҳосилни йиғиб олишга ўз вақтида киришилди. Бу йил совхозимиздаги кўпчилик бўлимлар шу усулда экайлик, деб туришпти. Мен эса 500 гектарда синаб кўрмоқчиман. Рост, ўтган қишда Янгийўлга, САИМЭ га хат ёздим. Бизда ўтказилган тажрибалар ва эришилган натижаларнинг иқтисодий таҳлилيني ҳам қўшиб, жўнатиб юбордим. Хатнинг бир нусхаси ўзимда. Мана, хоҳласангиз, ўқиб кўришингиз мумкин.

Биз ғоят қизиқиш билан варақларга кўз югуртирамиз. Унда совхозда чигитни боронасиз пуштасига экиш усули бўйича тажрибалар умумлаштирилган эди. «Ҳамма жойдаги сингари бизнинг областимизда ҳам ҳар районнинг, ҳатто ҳар бир хўжаликнинг ва бригаданинг ер шароитида маълум фарқ бор, — деб бошланарди Меҳнат Қизил Байроқ ордени Урта Оснё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти номига йўланган хатда. — Биз шу фарқни ҳисобга олиб, Сурхондарё область Гагарин районидagi «Комсомолобод» совхозида чигитни боронасиз пуштасига экиш усулини тажриба қилиб кўраётирмиз. Масалан, совхознинг 3-бўлими 7-бригадасига қарашли тўртинчи далада кузатилган тажрибаларимиз ҳақида сизларга батафсил маълум қилмоқчимиз.

Бу дала ҳам одатдагидек ярим қумлоқ. Ер ости сувлари 2.5—3 метр чуқурликда жойлашган. Тажриба ўтказилгунича шу майдонлардан гектар бошига 25—27 центнер ҳосил олиб келинган. Биз бу далага шудгорлашдан олдин ҳар гектар майдонга 200 килограмдан суперфосфат солдик. Ерни ҳайдашдан олдин яхоб суви бердик. 9—12 январь кунлари қўш ярусли ПЯШ-35 маркали илуг ёрдамида ерни 30—35 сантиметр чуқурликда шудгорлаб чиқдик. Тажриба даласининг жануби-ғарб томонида шомол эрозиясига қарши иҳота зонаси ташкил қилдик. Иҳота учун тут, жийда, қайрағоч элдик. Нега десангиз; бизда «афгон шомоли» деб аталадиган кучли

шамол худди шу, жануби-ғарб томондан эсади, ғўзага ҳисобсиз зарар етказадн. Тут дарахти етишса, пилла учун ҳам керак. Жпйда ҳосили ҳам қуруқ мева сифатида тайёрлов пунктига тоширилиши мумкин. Ихота зонаси ташкил қилинганда, қайрағочни бир ёки икки қатор экидик.

Тажриба даласининг ҳар 200 метрида ёпиқ дренажлар ўтказилган. Биз март ойининг иккинчи ярмида бошлаб, далага ишлов бера бошладик. Тупроқ биринчи марта дискалаш боронаси билан ишланди. 16—18 март кунлари дискалаш ишларини тамомладик. Сўнгра ерни текислайдиган махсус «дпнобаза» юргизиб, тупроқ бир ситра текислаб чиқилди. 19—22 март кунлари эса ерга запас суви бериш мақсадида КРХ-3,6 культиватори билан эгат очилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, 29 март кунин ерга чигит суви бердик. Даланинг айрим жойларида сув бериш 3 апрелда тўхтатилди. Тобига келган майдонларда 20 апрель кунин уруғ экилди. Чигитни 8 қиррали дискка қўйиб, 90×6×3 см ли схемада экидик.

Шунин ҳам айтиш керакки, даланинг шарқ томонида 84 қатор эгатдаги чигит совхоз устахонасида тайёрланган махсус учбурчаксимон борона-мослама ёрдамида экилди. 24 апрелда тажриба даласида экиш ишларини ҳоёсига етказилди. Биринчи май кунин уруғнинг кўкариш даражасини анализ қилиб кўрдик. 84 қатор эгатдаги чигит ўртача 20 процент, 21 апрель кунин бороналаб экилган контрол даладаги чигит 10 процентга яқин. 24 апрелда экилган уруғ эса 3—5 процент кўкарганлигини аниқланди.

3 май кунин уруғнинг уннш даражасини яна текшириб чиқдик. Шунда боронасиз экилган жойда 30 процент, контрол майдонда 25 процент, 24 апрелда экилган тажриба майдонида эса 20 процент уруғ кўкарганлигини аниқланди. Боронасиз экилган эгатларда 6 майда 70 процент, 10 майда эса 85—90 процент чигит яхши униб чиқди. Шундан кейин ғўзага биринчи ишлов беришни

бошладик. Культивацияни 12—14 сантиметр чуқурликда ўтказдик.

Контрол майдонда эса манзара қисман бошқача бўлди. Бу майдонда 10 майда атиги 60 процент уруғ униб чиқди. Шу боисдан ҳам биз бу майдонга чигит суви бернишга мажбур бўлдик. 17 майда контрол майдонга чигит суви бериб бўлдик. 18—19 майда бу ерларнинг бегона ўти юлиб олинди ва ғўза ягана қилинди. Орадан бир кун ўтгач, чигит суви берилган контрол майдон культивация қилинди. Умуман, бу майдонда бор-йўғи 80—85 процент кўчат ундириб олинди.

1 июнда контрол ва тажриба майдонидаги участкада ғўзалар биринчи марта ўғитланиб, 2 июнда суғорилди. Биз ҳисоблаш қулай бўлиши учун контроль ва тажриба участкаларининг уч жойида, ҳар 12 метрида ҳисоблаш майдончаси белгиладик. Кейин шу ҳисоблаш участкаларида ягана ўтказилиб, кўчатлар сони аниқлаб чиқилди.

Кўчатлар сони қуйидагича бўлди: тажриба участкасининг бир гектарида 112 минг 700 дона ғўза санадик. Контроль участкада эса улар сони 96 минг 170 донани ташкил этди. Лекин бизнинг маҳаллий шароитимизда, чигит 90 см ли схемада экилганда ғўзанинг 138-Ф нави ҳар метрда ўртача 14 дона бўлиши керак. Шунда бир гектар майдондаги ғўзалар сони 155 минг 554 тани ташкил этиши лозим. Тажриба участкасидаги ғўзалар шу ҳисобга кпргани ҳолда улар 72,4 процентни, контролдаги ғўзалар эса 61,8 процентни ташкил этади.

Биз юқорида уруғнинг униши тажриба даласида 85—90 процентни, контроль далада эса 85 процентни ташкил этади, дедик. Бу вақтда ҳали ғўза ягана қилинмаган эди. Ягана ўтказилганидан кейин тажриба даласида ҳақиқатда 72,8 процент, контроль даласида эса 61,8 процент кўчат қолди. 8 июнда тажриба даласидаги ғўзаларининг ҳаммаси шоналади, контроль далада эса шоналаш 80 процентни ташкил этди.

12 июнда тажриба даласида иккинчи култивация ўтказилди.

18 июнда далаларнинг ғўза зараркундалари билан зарарланиши текширилди. Тажриба даласида ҳам, контроль далада ҳам қисман кўсак қурти ва ўргимчаккана борлиги аниқланди. 19 июнда бу зараркундаларга қарши ОВХ-14 машинасида полидофен ва БИ-58 препаратини сепилди.

21 июнда тажриба даласида ғўза гуллай бошлади. 23 июнда контроль картадаги ғўзалар гулади. Контроль далага иккинчи марта маҳаллий ўғит ва гектарига 200 килограммдан селитра берилди. Ғўза иккинчи марта суғорилди. Шундан кейин 6—7 июлда ғўза учинчи култивациядан чиқарилди. Култивация 17—18 сантиметр чуқурликда ўтказилди. 9 июлда ғўза кўсаклай бошлади. Шу кунини далаларда ўргимчаккана тушганлигини аниқлангач, келтирилган билан ишлов берилди. Ўргимчаккана асосан контроль далага кўпроқ зарар этказган эди. 16 июлда азотга гўнг аралаштириш берилди ва кетидан сув таралди. 20 июлда ғўза чеканка қилинди. Шундан кейин далага трактор киритилмади. 1 сентябрда далаларга тўртинчи марта сув таралди. 6 сентябрда бутнфос сепилиб, ғўза дефолиация қилинди. Бунда самолётдан фойдаланилди.

9 сентябрда кўсакларнинг очилиши аниқланди. Тажриба даласида гектар бошига ўртача ҳисобда 38,2 центнердан, контроль участкада эса 28,5 центнердан ҳосил борлиги маълум бўлди. 16 сентябрда машина теримига тушилди. Биринчи теримда тажриба даласидан 17060 килограмм контроль даладан эса 11560 килограмм пахта териб олинди. 23 сентябрда иккинчи терим бошланди. Тажриба даласидан 3330 килограмм, контроль участкадан эса 2530 килограмм ҳосил йиғиб олинди.

9 октябрда тажриба ва контроль далалардаги подбор қўлда терилиб, пахта ворохочистителдан ўтказилди.

Бунда тажриба даласидан 2110 килограмм, контроль даладан эса 1730 килограмм пахта териб олинди.

Жами йиғиб олинган ҳосил миқдори қуйидагича бўлди: тажриба даласидан 22500 килограмм ёки гектар бошига 37,5 центнердан, контрол даладан эса 26,3 центнердан ҳосил олинди».

Хўш, боронасиз эгат пуштасига экишнинг афзаллиги нимада? Унинг бороналаб экишга нисбатан қандай қулайликлари бор? Деҳқон вақтдан ютиши мумкинми? Деҳқон боронасиз экиб, иқтисодий наф қўрадимми? Бизнинг бу саволларимизга ҳам даланинг ўзида жавоб берилди.

Совхоз пахтакорлари бир неча йил давомида чигитни турли схемаларда экиб келишди. Ҳар қайси бўлим ва бригада қайси схемани хоҳласа, шу схемада экиди. Биров $60 \times 60 \times 2$, биров $90 \times 90 \times 2$ см ли схемада, яна биров қўшқаторлаб экишни синаб кўрди. Шу сабабли, техникани тақсимлаш, сугориш, гўзави озиклантириш ва парварншлашда аниқ бир тартиб бўлмади. Ер ости сувлари юзага ўрди. Директор ўн бригадага борса, ўн хил талабни эшитиб қайтди. Бу эса ишни бир меъёрда, режали ташкил қилиш имкониятини бермасди. Энди-чи? Ерларнинг захи қочирилди. Хўжалик кенг қаторлаб экиш усулига ўтиб олди. Шунга яраша техника воситаларига эга бўлди. Область ва район партия-совет ташкилотлари ёрдамида янгидан бир нечта канал ва арнқлар қазилди. Шу сабабли ҳам совхоз энди кенг ривожланиш йўлига тушиб олди. Деҳқон учун энг серташвиш бўлган 1977 йилги шаронгда хўжаликда ҳосилдорлик олдинги йилдагига қараганда гектар бошига 1,2 центнерга ошди. Ваҳоланки, райондаги бошқа хўжаликларда ҳосилдорлик ошмади. 1978 йилда эса совхоз азаматлари гектар бошига 35 центнердан ҳосил етиштиришини ният қилган эдилар. Ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланган бўлиб, совхоз азаматлари бу маррани шараф билан эгаллайди.

Уйлар эркин, орзулар юксак, одимлар дадил бўлади. Совхоз деҳқонларининг бугунги кундаги режалари аниқ, одимлари дадил, орзулари юксак. Улар энди бир амаллаб иланин бажариш эмас, деҳқончиликдаги ил-ғор тажрибаларни амалда сынаб кўришга ҳам журъат этишмоқда. Бунга албатта чигитни боронасиз пуштасига экиш сабаб бўлган.

— Областида, — дейди совхоз директори Одинақул Бозоров, — уруғ асосан чигит суви бериб экилади. Боронасиз экиш эса худди шу шароитга мос. Ана, ўн гектарлик ер. Бир ҳафта бўлди, чигит суви бергандик. Ернинг тўш жойлари тобига келипти, тупроқ сирти оқариб турипти. Ҳў, нарироқда эса бир парча жой қорайиб турипти. У ер ҳали тобига келмаган. Хуллас, шу картада уч хил манзара. Бир қисм ер тобига келган, уруғ ташлайвериш мумкин. Ернинг тўртдан бир қисмининг суви ҳали тупроққа яхши сингмаган. Бир қисми эса эрта-индин тобига келади. Ҳўш, нима қилпи керак? Дизелга зигзаг борона ўрнатиб, шудгорлайверайликми? Унда анави лой жойда кесак пайдо бўлади. Уруғ ташланса, чириб кетади. Бунинг устига ерни бороналаш учун қанча ёнилғи, қанча эҳтиёт қисм, қанча ишчининг вақти сарф бўлади. Дизель ҳайдовчисига ҳақ тўланади.

Директор бир зум ўйланиб олади ва:

— Боронасиз экишда эса шу харажатлар тежаб қолинади, — дейди. — Бу, иқтисодий афзаллик томони. Яна бир афзаллиги, — у экиш агрегати ўрнатилган трактор томон юради. Биз ҳам ўша томон йўналамиз. — Мана, сошник. Бу эса ишчи органларининг рамага бириктирилган кранштейни. Шу жойга мосламани ўрнатдик. Уни ўзимиз ясаганмиз. 90×90×2 см ли схемага мослаштирилган.

Биз бу мосламаниннг ўнг-у сўлига ўтиб қарадик. Жуда оддий. Учбурчаксимон. Бир қарашда нахта териш машинаси шпинделини ёпиб турган тумшукли муҳофаза қисмига ўхшайди. Мосламаниннг кафтемон кенглиги

20 сантиметр. 45 сантиметр ораликдаги қуруқ тупроқни, катта-кичик кесакларни эгат ичига суриб, сошникнинг равон ўтиши ва чигитнинг бир меъерда тушиши учун теп-текис пушта тайёрлаб беради. Энг муҳими, чигит нам тупроққа тушади, уруғ тез унади ва текис кўчат олинади.

Борона ўтказилган майдонларда чигит пушта ўртасига ҳам, қуруқ тупроқ тушган эгатга ҳам, дизель тиғизлаштириб кетган тупроққа ҳам экилиши мумкин. Хуллас, ер бороналанганда уруғ албатта пушта ўртасига, нам жойга тушади, деб айтиш қийин. Хўш, боронасиз пуштасига экишнинг бу афзаллик томонини ҳам билиб олдик, дейлик.

Аммо, барибир, суғорилган эгатдан экиш сеялкасини тортиб трактор ўтади-ку? Трактор баллонлари нам тупроқни тиғизлаштиради-ку? Аксинча, ер бороналанганда бегона ўтлар тупроқ бетига чиқиб, нобуд бўлади ёки борона тишига плашган бегона ўтлар дала четига чиқариб ташланади-ку?

— Лекин, — дея давом этди у, — биринчи ишлов берганда культиватор тиши худди шу, трактор баллонлари ўтган ва мослама бегона ўтларни суриб ташлаган эгатдан ўтади-да! Ушанда бегона ўт айни авжига чиқиб, озик моддаларни ўзлаштириб олаётган пайт бўлади. Бу вақтда уни йўқотиш осонроқ бўлади, буни тажрибамиздан биламиз. Совхоз деҳқонлари бу йил 500 гектар майдонни мўлжалаб турган бу боронасиз пуштасига экиш усулининг яна қандай афзалликлари бор? Деҳқон бу усулни «ўзиники» қилиб оладими ёки бу яна шунчаки бир синов, тажриба сифатида қолиб кетадими? Буни келажак кўрсатади.

ЙИГИТ КЕЛСА — ИШГА...

Бригадада иш осон кўчмади. Ташвиш устига ташвиш босиб келаверди. Ерга ишлов бериш керак эди. Трактор изида катта-катта кесаклар сўппайиб қолавер-

ди. Бир эмас, бригаданинг ҳамма картасида аҳвол шундай эди. Исматни дастлаб ана шу кесаклар ўйлантириб қўйди. Экиншга қадар уларни қандай қилиб йўқотиш мумкин? Февраль, март... Вақт зиқ. Бундай пайтда тавakkал қўл келшини Исмат яхши билади. У бунни ҳаёт тажрибасида синаб кўрган.

Исмат бор кучини гўнг ташишга жалб қилди. Раисдан сўраб, қўшпмча трактор ва прицеп олди. Қолхоз бригада учун юк машинаси ажратди. Бригаданинг жами майдонига бир сидра маҳаллий ўғит солиб чиқилди. Эрта баҳорнинг шаррос ёмғири гўнгни намлаб, тупроқ составини бир оз яхшилади. Ерга уруг экилди. Лекин пайкаллар текислиги, тупроқ майинлиги барибир Исмат ўйлаганича бўлмади.

Чигит аллақачон кўкарганди. Оласига экиб, туп сонини кўпайтиришди. Энди биринчи парваришни бошлаймиз, деб туришганда кўкдан тарс-турс дўл тушиб, мурғак ниҳолларни пайхон қилиб кетди. Бунинг устига суғорини ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйилди.

Ўттиз олти гектарлик пайкал бир қарашда теп-текисдек, аммо унинг ўртаси ҳалқоб бўлиб, сув тўплаииб қоларкан. Кейин ўқариқ очамиз, деб ҳам кўришди. Аммо, энди кеч эди. Беш гектарлик бир пайкал эса сув кўллаб қолганлигидан мўлжалдаги ҳосилни бермади.

Мана, шулар оқибат-натихада кузда келиб билинди. Ҳампша колхозда, қолаверса, районда пешқадамлар қаторида бўлиб келган Исмат Хўжаев бригадаси карвонини ортида судралиб қолди.

Илгор бригадалар, бўлимлар рапортга имзо чекшиди. Қолхозлар, совхозлар биринчи довондан ошишди. Бундай хўшxabарлар газета, радио орқали зудлик билан халққа етказиб турилди. Бундан Исмат ўзинча хижолат тортди. Ўзинга-ўзи савол ёғдирар, кўпчилик ўртасида берган ваъдасини эслаб, маъюсланарди.

У бу бригаданинг планни неча йиллардан бери бажаролмай келаётганини яхши биларди. Шундай бўлгач, нима зарурати бор эди, кўкракка уриб майдонга чиқишининг? Мен, деб чиқиш ҳам бир бўлади, икки бўлади. Исмат эса ҳар йили бир қолақ бригадани танлайди. Хузур-ҳаловат керак эмасми унга? Шон-шўҳрат-чи? Ўзига пухта бригадирлар колхозда анча-мунча бор. Уларга ранс: «Фалон бригадани илғор қилиб беринг», дегундай бўлса, «ўламан саттор, мени жойимдан қўзғаманг», деб туриб олишади.

Исмат нуқул қийинига югуради. Осон ишнинг унга ҳеч қизиғи йўқ. У шундан роҳат олади, ниятига эришган йили ўзини бахтиёр ҳис этади. Мана, қарийб ўн йилдирки, у шу орзу-истак, фикр-ўй билан яшамоқда. Шу фазилатлари уни тобора юксакликларга ундаётир. Бу унинг деҳқон сифатидаги қобилнятини, ташкилотчилик маҳоратини тобора ошираётир.

1967 йилда, у Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, олий маълумотли агроном бўлиб қишлоғига қайтган йили правление уни Янгиқишлоқ участкасига агроном қилиб юборди. Тўрт йил у участка бошлиғи бўлиб ишлади. Негадир, участкада иш орқага кетаверди. Йиллик пахта тайёрлаш плани сурункасига бажарилмай қолаверди. Шунда Исмат Хўжаев бригада бошлиқларини тўплаб маслаҳатлашди. У кўнларга қаттиқ тегди. «Арғамчига қил қувваг, — деди у. — Бригадалар планни бажарса, участка бу аҳволга тушмасди. Ёки қолақликка чек қўямиз ёки ўрнимизни уздабурон кишиларга бўшатиб берамиз».

Унинг бу сўзлари орқаваротдан: «Пўловчинг ёш бола бўлгач, қайга ҳам борардинг», деб кесатиб юрган кишиларнинг дилидагини тилига чиқаришига сабаб бўлди. «Ўзингиз бригадир бўлиб кўрдинг-чи», — деди улардан бири.

Исмат ўша кечқурун жаҳл устида ранс ҳузурига кирди. Дабдурустан «менга энг қолақ бригадани бе-

ринг. Мен ўз тақдиримни бир синаб кўрай», деди у раисга. Хидир Ботиров кўлни кўрган одам-да. Ингит шаънига яхши гап бўлмаганини сизди. Раис унинг шижоатга тўла вужудига ҳавас билан қараганча сўради:

— Еттинчи бригада қалай?

— Аҳмаджон Бекмирзаев бригадасими?

— Ҳа. Колхоз қирқини кўзлаяпти. У эса ўттиз наққидан нари ўтолмаётир.

— Интизом бўш, дейишади.

— Бўш деманг, укам, интизом издан чиққан. Ер эътибордан қочган. Унга деҳқон меҳри керак. Интизом ерга меҳр қўйишдан бошланади аслида. Сизда, укам, — давом этди раис, — бу фазилат мужассам.

Хидир Ботировнинг бу сўзлари унга қанот берди. Еттинчи бригада ихтиёридаги 60 гектар ерда мўл-кўл дуру гавҳар ундириш натижасида 1975 йилда қолоқ бригада илгорлар сафидан жой олди. Уша йилли ҳосилдорлик 49,5 центнерга етди.

Кўнлар бунн тасодифга, йилнинг яхши келишига йўйишди. Шунда Исмат Хўжаев яна бир мўъжиза кўрсатишни дилига тугди. Колхознинг йиллик ҳисобот йигилишида Эсонтурди Ҳайдаров бошлиқ бригада роса танқид қилинди. Бу бригада қолоқликка юз тутди, энди ўзини ўнглаб ололмайди, деган ҳукм чиқарилди. Шунда Исмат Хўжаев президиумдан сўз сўраб минбарга чиқди. У бригадани 1976 йилдаёқ қолоқликдан чиқариб беришни ваъда қилди. Раис ҳам, партком секретари ҳам кўпчилик ўртасида унинг қўлини қисиб, ишига омад тилашди. У ваъдасига вафо қилди. Бригада пахтакорларининг юзи ёруғ бўлди.

1977 йили Исмат Хўжаев янги ер очишга жазм қилди. Тўпаланг массивига «Олтой» тракторлари, бульдозер ва грейдерларни бошлаб борди. Ҳадемай, январь ойида 40 гектар ер ўзлаштирилди.

Атиги тўрт киши бир бригадани ташкил этди. Улар кўп қийинчиликларга дуч келишди. Ғўзани ўт босгани-

да колхоздан ёрдам сўрашни ўзига эп билмади. Чунки ҳамма бригадалар ўз ташвиши билан банд эди. Шунда у Тўпаланг дарёси бўйида қапа тикиб яшаётган лўлилар билан келишиб, ғўзанинг ўтини юлдирди. Қўриқ ерда ўзи ҳам сувчилик, ҳам тракторчилик, ҳам бригадирлик қилди. Тер тўкиб қплинган меҳнат зое кетмади.

Бригада асрлар бўйи ҳансираб, қақраб ётган ердан биринчи йиллик 39,5 центнердан ҳосил олди. Бу — ютуқ эди. Бу Исмат Хўжаевнинг, ёш, аммо билимдон пахтакорнинг камолоти, обрўйи эди.

1978 йил бошида эса Хидир Ботиров уни ҳузурига чақирди. Раис уни кулиб, хушчақчақ қарши олди. Ўнинг кенг елкасига икки қўлини ташлаб, худди оға-инилардек юзма-юз, жуда яқиндан туриб суҳбатлашди.

— Энди менинг илтимосим бор, — деди раис. — Бешинчи ва олтинчи бригадаларни битта қилиб, олдинга чиқариб берасиз, укам.

— Қандай бўларкин? — Исмат ўтиришга ўрин тополмай қолди. — Йили нимакин, сира қўними йўқ, деювчилар кўпайиб қолди, раис, — деди у.

— Э-э, қўяверинг, укам. Бундай гапларга эътибор қилманг. Правление, партия ташкилотининг топшириғида бу.

Исмат Хўжаев бу ишончни ҳам шараф билан оқлади. Илгари 86 процентда қолган, ҳосилдорлиги 32—34 центнердан ошмаган икки бригада базасида ташкил топган йирик коллектив 136 гектар майдондан ўртача 40 центнердан ҳосил етиштирди.

Олдинги йиллар ҳаммаси яхши эди. Оти илдам кетган чавандоз сингарп карвоннинг олдида борарди. Бу йил эса... Кўнгил экан-да бу. Деҳқон қанчалик тез, бошқалардан кўра қанча олдинроқ манзилга етса, шунчалик кўп ҳордиқ чиқаради, кўкрагига шамол тегади. Келгуси йил режасини аниқроқ тузиб, юксакроқ маррани белгилайди. Исмат Хўжаевнинг дилидаги гаплар ана шулар. Фақат шу орзу-ният билан яшайди, меҳнат қп-

лади у. Бўлмаса, маррага ўн кун олдин етди нима-ю, ўн кун кейин давон ошса нима! Мана, давондан ҳам ўтди. 37 центнерлик марра эгалланди.

Бироқ, бригада азаматлари йил бошида «42 центнердан ҳосил етиштириб, қолоқлик доғини ювамиз», деб ваъда берган эдилар. Мана, октябрь байрами шодпёнаси арафасида бригада пахтакорлари иккинчи давондан ҳам ошиб ўтдилар.

Инсон юксакликка чиққан сари юксакни кўзлайди. Исмат Хўжаев бошлиқ коллектив ҳам энди 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда. Бунда механизаторлар Эшқул Саматов, Исоқ Эшқобилов, Роҳат Қўзиева, Шаҳрибону Рустамова, Робия Абдувалшева, Анор Добилова сингари чевар теримчилар, Раҳмонали Меҳмонов. Омонтурди Норқулов, Маман Абдиев, Бўта Умиров каби пахтакорлар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Исмат Хўжаев эл оғзига тушди, «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотланди. Бу йил бир неча марта правлениенинг қимматбаҳо мукофоти билан тақдирланди.

КУЗ ҚУВОНЧЛАРИ

Куз!..

Бешқўтонда. Қораадирда. Истара ва Қизирикдарида олтин куз. Шоирлар ҳар фаслнинг ўз гашти, ўз фазилати, ўз ташвиши бор, дейдилар. Айниқса кузниники бўлакча. Унинг таъриф-таъсифини адо қилиб бўлмайди.

Далаларда меҳнат қайнайди. Тонг тунга улавади. Саҳар палласи ҳам, кун оғанда ҳам, ярим кечада ҳам «зангори кема»лар пахтазор денгизи узра сузиб юради. Тайёрлов пунктлари олдида «оқ олтин» юкланган тележкалар, машиналар кун-тун тирбанд. Ҳеч ким тишим билмайди. Биз келган Истара даштларида олтин куз гашти, ана шу ташвишлар билан йўғрилиб кетганди.

Куз гашти — меҳнат гашти. Пахтакор имзо чекаётган ҳар бир рекордда куз мадҳи бор. Истара даштининг қоқ ўртасида ажойиб соҳибкорлар, саҳий боғбонлар етиштирган Дашнобод аноридан, асалдек тотли карсилдоқ узуму, ҳар бири қучоққа сиғмайдиган қишки қовунларда куз мадҳи бор...

Сиз Норали Тўраев ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Эшитмагансиз-а. Ана қаранг, чўлнинг манман деган азамат паҳлавони Жиянқул Рустамов билан беллашаётган кишини кўпчилик танмайди! Камтар-да камтар! Меҳнатни қилади-ю, пндамай юраверади. Ҳатто район газетаси ҳам у ҳақда дурустроқ бир гап ёзмапти. У Қосим Раҳимов номли совхоз олтинчи бўлимининг учинчи бригадаси бошлиғи. Ўзи Ленин ордени соҳиби. Район Совети депутати. Катта асфальт йўл тўппа-тўғри унинг далаларига олиб боради.

...1970 йил. Ашурхон қудуғи атрофлари ўзлаштирила бошланди. Қосим Раҳимов номли совхоз ташкил этилди. Бундан икки йил олдин «Сурхон» совхозидан Қизирӣқ даштларига кўчиб келиб, галла экиб юрган Норали акалар ҳам шу совхозга ишчи бўлиб ишга ўтишди. Қалқон Суюнов бошчилигида бўлим ташкил топди. Қалқон Суюнов «Сурхон» совхозида бир неча йиллар бригадирлик қилиб, пахтачиликда анча-мунча тажриба орттирган деҳқон эди.

Норали ака бўлим бошлиғига каналга яқин жойдан беш-олти киши бир бўлиб, ўзлари ер ўзлаштириб олишларини айтди. Қалқон Суюнов рози бўлди. Ўша йили улар 53 гектар ерни ўзлаштиришди. Совхоз билан тузилган шартномага кўра, улар ҳар гектар ердан 18 центнердан пахта ҳосили етказиб беришлари керак эди.

— Лекин, — дейди Норали Тўраев — биз гектар бошига 37 центнердан ҳосил етиштирдик. Бунинг устига пахта тайёрлаш планини совхозда биринчи бўлиб бажардик. Кўплар чўлда пахта етиштириш осон эмас, елиб-югуриш керак, дейишарди. Менга эса ҳаммаси

осондай туюлди. Ерни шудгорлаб, чигит экдик. Сув мўл, техника етарли эди. Ғўза ўсаверди. Июнда чунонам гулладики, кўз қамашарди. Июль-августда ғўза кўсакни кўтаролмай, қад эгди... Хуллас, ҳаммаси худди эртақдагидек осон кўчди. Қалқон ака ҳар кўрганларида елкамга қоқиб кўярдилар. «Оббо, сен-ей, фақат тракторчи деб юрсам, душна-дуруст деҳқон ҳам экансан-ку», дерди. «Сурхон» совхозида икки-уч марта бригадирликка тавсия қилинганида, ўламан саттор, бу иш бизнинг табиатимизга мос эмас, деб оёқ тираб олгандим. Ҳалги мақтовлардан кейин «Бекор қилган эканман ўшанда» деб афсусланиб ҳам кўйдим. Ўшанда камина ўзига юқори баҳо берган экан. Бу, иккинчи йили билинди.

Июнь ойида ғўза худди олдинги йилдаги сингари қийғос гулга кирди. Бироқ, ҳадеганда сувнинг навбати бизга келавермади. Қартама-карта юриб кўрдим. Каналнинг бнқинидаги ўн икки гектарлик, сўнг йиғирма гектарлик икки даладаги ғўзага шошпинч сув берилмаса, ҳосил пасайиб кетishi мумкин эди. Ғалати-да, ўзим дала айлашиб юрибман-ку, кўз олдимда чўкиб қолган куз хирмонни. У ғариб кўрпнарди. Ўшанда япроғи шалная бошлаган ғўзалар уввос солиб ҳаммаёққа бонг ургандек бўлди... «Сув!.. Бригадир, сув!.. Биз ҳалок бўляпмиз!»

Ўша заҳотнёқ бўлим бошлиғини излашга тушдим. Аллақандай юмуш билан совхозга кетган экан. Изидан бордим. Совхоз директори хонасида ўттиз-қирқ чоғли одам ўтирибди. Директор салмоқлаб, ҳар бир сўзини ҳижжалаб гаширяпти:

— Ҳар қатра сув ҳисобда бўлсин. Сувни исроф қиладиганлар бўлса, аямаймиз, ўртоқлар. Боши билан жавоб беради. Навбат бўлсин. Аммо, бирон туп ҳам ғўзанинг чанқашига йўл қўйманг...

«Айни мўддао!» — ўйладим ўзимча ва қия очиқ эшикдан лип этиб ичкари кириб олдим-да, шоша-пиша дедим:

— Директор бова, ғўзам сув сўраяпти. Сув беринг. — Ҳамма қулиб юборди. Директор Эшпўлат Эргашев ҳам қуришган лабинн кўрсаткич бармоги билан ситаб билли-нар-биллимас жилмайди. — Нега куласизлар? Кулгнли гап бўлдим, нима? Мен сув сўраяпман, холос.

— Хўп, хўп, — деди директор. — Биз бир масалани ҳал қилиб олайлик. Сўнг сиз билан гаплашамиз.

— Йўқ, чиқмайман. Сув бермасангиз, шу жойда, тик туравераман, — дедим.

— Навбатингиз қачон? — сўради директор.

— Унгача бир ҳафта бор.

— Кутинг бўлмаса.

— Кутмайман! Пахта даламдан атиги ўн метр нарида, Шеробод каналдан йигирма куб сув оқиб ўтяпти. Қулоқни очаман, тамом-вассалом.

— Йў-ўқ! Ўша, сиз айтаётган йигирма кубга бутун район кўз тикиб турибди, ҳа!

Эшкнн тақ этиб ёйдим-у, тўғри райкомга бордим. Эртаси кунн қишлоқ хўжалик бошқармасидан, совхоздан агрономлар келишиб, қўшни бригада сувидан олиб бизнинг сувни нормасидан бир оз ошириб беришди. Ғўза чанқаган эди-да! Сув берилгандан кейин ҳам тўрт-беш кун давомида гулинн ташлаб турди. Гул нозик-да. Озиқ меъеридан юздан бир улушича кам бўлса ҳам гул баллоқда турмайди. Шунда ўзимча ўйлаб қўйдим: «Деҳқон ғўза чанқаганда эмас, унинг сув талаб қилишидан ўн кун олдин ташвиш тортмоғи керак». Ҳа, шунда идорама-идора кириб юришга ҳожат қолмайди. «Деҳқон бир марта адашса, буннинг устига ёш бўлса, ҳа, хўп! Лекин пахтакорликда тажрибаси бўлатуриб, хатоликка йўл қўйса, уни фақат боқибеғамликда айблаш мумкин». Бу кекса пахтакор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат Алибоевнинг сўзлари. Мен кейинги йилларда ана шу ажойиб деҳқон ўғитини тез-тез эслайдиган бўлдим. Мана, ўшандан буён тўрт йил ўтибди. 1973—1975 йилларда ҳам сув камчил бўлди. Лекин биронта

ғўзамиз гулини тўккан эмас. Ғўза саратоннинг иссиғига сувсиз дош беролмайди, албатта. Аммо, уни чанқатмаслик чоралари бор. Шу, қўшимча воситалардан ҳам унумли фойдаланиш керак. Булар нималар? Маҳаллий ўғит, культивация, ўша етмиш биринчи йилги елиб-югуришлар сабоқ бўлдими, деҳқончиликда асқотадиган шу юмушларни ўз ўрнига қўйиб, бажарадиган бўлди. Қўплар эрта баҳорда маҳаллий ўғит чиқаришди. Бизда эса далага гўнг чиқариш йил бўйи давом этади. Қуёш нурлари тупроқни қиздиргач, ғўза барқ уриб ўсади. Бу сугоришга боғлиқ, албатта. Бировлар эгатдан сув ўтса бас, ғўза қонди, дейди. Биров эса ўзини-ўзи бундай алдатиб қўймайди. Эгатни калта олиб, жилдиратиб сув қўяди. Шунда дала нам тўплайди. Ғўза узоқ муддат чанқамайди.

Норали ака бошидан дўпписини олиб, оқ аралаган сочларини силади-да, қисик кўзларини менга тикди. Сийрак, йирик-йирик тишларини кўрсатиб кулганча, ўрнида бир қўзғалиб:

— Ҳойнаҳой, бу йилги ишларни ҳам сўрайсиз-а, меҳмон, — деди у.

— Ҳа-да.

— Одам бир илгариларимиз, «ҳеч қаёққа бурилмасам, чалғимасам, доим олга кетаверсам», деркан. Қаранг, Истара даштида майсалар май ойндаёқ жиғганак бўлган. 1971 йилда гектар бошига 40 центнердан хирмон кўтардик. Кейинги йил яна 40 центнердан хирмон ўйдик. Кейинги йилларда — 41, 43, яна 43 центнер! 1978 йилда маррамиз асли-ку 50 центнер, аммо биз оширмоқчимиз. Қўплар, катта кетдинг, дейишди. Ҳа, ростдан ҳам маррамиз катта.

Узоқни кўзлаган пойгачи пойга чизигига тез старкан. Пойга чизигини мўлжал қилганларнинг бир қисми масофанинг ярмини, бир қисми эса ундан сал кўпрогини ўтиб, четга чиқиб қолавераркан. Биз узоқни кўзладик. Ҳозир белни қўшкамар билан боғлаганмиз. Ёзда ғўзага

об-ҳаёт тараган Ботош Бобоқулов, Расул Сатторов, Алъал Алимрдонов, Содиқ Юсуповларнинг ҳам, кўп-мингкилограммчи теримчи қиз-жувонларнинг ҳам чойи-нони, ўйин-кулгуси далада. Механизаторимиз Эшбой Абдуллаевнинг қачон ухлаб, ҳордиқ чиқаришига ҳеч ақлим бовар қилмайди. Ярим тунда ҳам, эрта тонгда ҳам уни далада кўраман.

— Ҳалигина, сизлар келишдан сал олдин Жиянқул Рустамов билан Раззоқ Чапаев шийпонда эдилар. Жиянқул Будённий совхозидан. Раззоқ Чапаев бизнинг бўлимдан. Ўйимиз ҳам, даламиз ҳам ёнма-ён. Шундай бўлса ҳам кўришмаганимизга ропи-роса бир ой бўлибди-я! Терим шундай долзарб палла-да! — дея давом этди Норали Тўраев.

Шулар ҳақида суҳбатлашиб гап тизгини мусобақа шартларининг бажарилиши-ю, ким ўзиб, ким ортда қолганлигига келиб тақалди. Жиянқул мендан планни қачон бажарганлигимизни сурштирди.

— Ҳининчи октябрда бажаргандик. Ҳозир 150 процент бўлди. Гектар бошига 48 центнердан ҳосил олдик. Октябрь байрамга қадар яна етти центнердан ҳосил олмақчимиз, дедим. — Сиз-чи?

Жиянқул пешонасига тушиб турган сочини снлаб:

— Биз сал ортдамиз. Сиз ўздингиз, қойилмиз, сизга, Норали ака, — деди.

— Бир ариқдан сув ичамиз, еримиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам, пахтакорлик бобнда тажрибамиз ҳам, қолаверса, ёшимиз ҳам тенг, — Раззоқ Чапаев йўгон гавдасини тебратиб кулди. — Гавдамиз ҳам қолишмайди. Аммо, пойгага келганда Норали билан тенг тушиб бўлмайди, — деди у.

— Ҳе, жуда мақтаб юборишди-да. Куз ўзи шундай-да... Деҳқонни қувонтирадиган фаслу.

БҰЛАКАДИРЛИҚЛАР

Бұлакадирга ишқибозлар азалдан кўп бұлган. Ленинободлик қариялар бир ривоятни ҳозир ҳам давра-ларда айтиб юришади. Эмиш, бир замонлар Самарқанд довоини ошиб ўтган икки оғайни Элғўзи ва Улғўзи Пўстиндарага келиб тўхташди. Йиллар ўтиб, қишлоқ кенгайди. Икки ака-ука эл улуги бўлиб қолишади. Шунда улар Пўстиндарадан кўра дурустроқ жойни танлаб, ризқ-рўз кўриш йўлини излай бошлашади. Нега десангиз, Пўстиндарада майсалар баҳорда бир белги берарди-да, сўнг қуёш тигида дарров қовжираб қоларди.

Шу бондан Пўстиндаралиқлар халойиқни бир жойга тўплаб, Бұлакадирга сув келтиришни ният қилишади. Ён-атрофдан одам тўпланади. Ҳамма бел боғлаб, ариқ очишга киришади. Қанча азоб-уқубатлар, машаққатли меҳнатлар билан чилвирдек ингичка ариқ қазлиб, Хўжайинок дарёсидан бир ҳовуч сув олинган.

Бироқ бу сув Пўстиндарадан нари ўтмасди. Сувни Бұлакадирга ўтказиш учун уни Закоттепага чиқариш, сўнг сойдан ўтказиб, яна тепаликка — Бұлакадирга бошлаш керак эди. Бу ғоят мураккаб ишни обдон тажрибага эга бўлган кишигина ҳал қилиши мумкин эди. Барибир, Дамариқ қазилди. Лекин ариқ ака-укалар ўйлагани сингари наф бермади. Баҳор тошқинлари ариқни ювиб кетар, одамлар эса уни елкаларида тупроқ ташиб яна тиклардилар. У эса ёз бўйи қақраб ётарди, холос.

Бир неча йиллар ўтди. Замон ўзгарди, одамлар ўйи орзу-нияти юксакларга парвоз қилди. Бұлакадир яна одамлар нигоҳини тортди. 1950 йилда Дамариқ ҳам бўйига, ҳам энига ўсди, бетон тўн кийди. Қатра сувга ташна бўлган ерга икки кубметр ҳажмида об-ҳаёт оқди. Адир-у сой ичидан оламжаҳон ер ўзлаштирилди. Шуларнинг ҳаммасига Мардоннинг отаси Қарши ака бошқош бўлган. У йигирма йил бригадирлик қилган, Бұлакадирда у ўчмас из қолдирган.

Ҳа, ўчмас из! Чилбирсойдан, Закоттепадан ошиб шовуллаб оқаётган ҳаётбахш сувда шу из. Тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонларни-ю, ширин-шарбат мевалари ғуж-ғуж боғ-роғларда шу из...

Қарши ака ўгли Мардонни ҳам ўзи сингари яланг-тўш бўлишга ўргатди. Мардон меҳнаткаш отасп назоратида далада ишлади, табелчилик қилди. Суюғи қотиб, пахташи, далаши обдон тушунгач, колхоз правленниси унга ишонч билан бир бригадани топширди. Ота ундан маслаҳатини аямади.

У ҳар кун Мардоннинг даласини бир айланар, бугун ёки эртага қайси юмушни қилиш кераклигини уқтирарди. Кўнгли тинчигач, сўнг ўз даласига ўтарди. Ўша, 1958 йилда йнгирма беш яшар бригадир бошлиқ пахтакорлар гектар бошига 40 центнердан ҳосил олишди. Сўнгги йилларда ҳосилдорлик 46 центнерга етди. Колхоз аҳлининг, катта-кичикнинг Мардонга ҳурмати йил сайин ортди.

Шу орада Қарши ака ҳам пенсияга чиқди. Колхоз раиси унга: «Отанг бошқарган бригадани қабул қилиб ол,» — деди. Мардон эса раис сира хаёлига келтирмаган фикрни айтди. «Менга, — деди у, — тер тўкадиганроқ, ташвиш тортадиганроқ жойни беринг. Отам ҳосилдорликни элликдан оширдилар. Бор-йўғи йнгирма бешдан ҳосил олган бригада бугун эллик центнерчи! Мен ҳам шундай қолоқ жойни кўтарсам, дейман». Раис алп қомат йнгитининг елкасига қоқди: «Бўпти, еттинчи бригадага ўтасан», деди.

Еттинчи бригада Бўлакадирда эди. Бир вақтлар колхоз карвонининг олдида юрган бу бригадада иш тобора орқага кетаётганди. 1964 йилга келиб, ҳатто илани ҳам бажарилмай қолди. Бўлакадир ерларининг ҳосили ҳеч қачон бундай кам бўлмаган эди. Бу — боқибегамлик оқибати! Бу — ерга, пахтага меҳр қўймаслик касофати! Қолоқлик сабабини Мардон ана шунга йўйди.

— Нима қилиш керак? Бригаданинг олдинги шуҳратини тиклаш учун ишни нимадан бошлаймиз? — Мардон ўтирганларга шундай савол билан мурожаат қилди.

Маслаҳат берганлар кўп бўлди. Халил Юсупов, Парда Холмуродов, Тўрахон Ортиқов, Маҳмуд Кенжаев, Қарши Добиллов... Буларнинг ҳар бири ўн беш-йигирма йилдан буён эгат оралаб, сув тараб келган миришкорлар эди. Улар эгатни нишоб қилиб эмас, қия очишни айтишди. Шунда ғўзани сув яламайди, дейишди улар.

Мардон бу таклифни ён дафтарига ёзиб қўйди.

Шундан кейин у қўлидаги қаламини қалин лаби устда енгил юргизиб, хиёл жилмайди ва кейин:

— Бўпти, биз инобатга олдик. Сизлар айтганча бўлсин, — деди.

Ҳамманинг чеҳраси очилиб кетди. Улар шу онда елкаларидаги замбилдек оғир юк — қолоқлик доғини улоқтириб ташлагандек бўлишди. Орқа-олдидан «Раҳмат бригадир, раҳмат!» деган овозлар эшитилди. Бироқ, бу олқишни олиш учун ҳали олдинда бир олам иш турарди. Буни Мардон яхши биларди. У бригада аҳлига савол назари билан қаради-да, кенг пешонасини силаб деди:

— Ҳозир нима иш қилиясизлар?

— Ҳеч нима, — деди кимдир.

— Дам олишми?

— Билмасак, дам олиш десангиз, дам олиш-да, бригадир, — деди ёшроқ бир йигит.

— Йўқ, укам, деҳқон далада дам олади, яхшилаб эслаб қол, бу гапни! Ҳозир февраль, қишнинг икки ойи ўтди-кетди. Бригадада гўнг тўпланганми? Йўқ! Ҳатто бир қисм майдондаги ғўзапоя ҳам кузда қандай қолган бўлса, шу ҳолича ётибди. Азот, суперфосфат ҳақда ҳеч ким бош қотирган эмас. Утган икки ой ичида, ҳеч бўлмаса, шийпонгача тош-шағал ётқизиш мумкинмиди? Прицеп бўлса, трактор бўлса... — Мардон ҳаяжонини босиб, ерга қараганча паст овозда давом этди. — Бригадада шароит ҳам чатоқ. Колхоз қурни берса берар, бўл-

маса ўзимиз ҳашар қилнб, шйпон қурамиз. Хўп, бу келгуси ишларимиз. Ҳозиргисини кўраверайлик-чи...

Ўша, 1964 йил ишлар Мардон ўйлаганча бўлмади. Вақт зиқ эди. Ҳадемай баҳор келнб қолди. Экиш-тикиш бошланди. Далага мўлжалдаги гўнг чиқарилмади. Бошқа ишлар ҳам чала-ярим бажарилди. Бу бригадирнинг кўнгилни хижил қилди.

Шундай кунларнинг бирида у уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Гулмирза Ниёзовга дуч келди. Гулмирза ака кўзларини қисиб гап бошлади:

— Хў, Мардонбой, аҳвол қалай? Нега қовоғинг солинган, чеҳрангни оч-е, йилит! Одамлар айтмайдими, отаси соянда юрган эрка ўғил эди-да, дейишмайдими?

Мардон Гулмирза акага дастурхон устида бригададаги аҳвол ҳақида гапириб, кафти билан юзини силаб, гард-гурд босган дўшисини пешонаси томон суриб қўйдн. Қўй кўзларн чарақлаб кўлди.

— Москва ҳам бирданига қурилмаган-ку, укам. Аста-аста-да, ахир. Ўттизни ололмаган бригадага қирқнинг тошини босиб туришинг... Полвоннинг ёқасидан ола солиб ағдарганмисан? Ахир улоқни ҳам ои-осон олмайсан-ку? Олдин оломон ичига уриб киргансан, сўнг чўзилнб-узалиб улоқни ўшлагансан, кўтаргансан, талашгансан, қамчи ҳам егансан. Кейин соврин олгансан, шундайми. Ёки айтганим нотўғрими? — Мардон секни бош ирғаб, «тўғри» деган ишорани билдирди. — Ана, ўзинг иқрорсан шунга. Ҳосилдорликни оширишда ҳам босқичма-босқич борилади? Олдин ўттиз, сўнг кўпроқ, сўнг яна... Бобой ташвиш тортиб юрипти. Қарши ота пенсияга чиқиш йили 50 центнердан ҳосил берди. Лекин у киши шу эллик учун бутун умр бўйи курашган!

Мардон гаининг тагига энди етгандек, Гулмирза Ниёзовга зимдан қараб қўйдн. Нигоҳи ўткир, пўлатдан қуюлгандек теғиз, тпк гавдали бу кишининг бутун туршиш-ю, юриши сеҳрга тўла эди. Мардонда беихтиёр

босиқ сўзли, қадами ўлчовли, иши режали шу кишига ўхшаш иштиёқи жўш урди. Шу-шу, у Гулмирза Ниёзов билан бамисолн туғишган ака-укадек иноқ бўлиб қолди.

Уста пахтакор унга меҳрибонлик қилди, ҳиммат кўрсатди, маслаҳатини аямади. Хуллас, Мардон чиллада ҳам, аёз кунлари ҳам, чақмоқ чақиб, момақалдироқлар гумбури оламини тутганда ҳам, саратоннинг жазирама иссигида ҳам бирдек терлаб ишлади. Бўлакадир ерларида пахта ҳосилдорлигини кўтариш пайида бўлди. Одамларни шу орзу сари етаклади.

Одамда юксак орзу бўлсин экан. Ниҳатнинг холис бўлса, эртамин-кечми, орзунингга эришаркансан. Утган йилларни, ташвишларни ўйлаб, Мардон шундай хулосага келди. Ҳадемай ҳосилдорлик ўттиз саккизга, сўнг қирққа, қирқ бешга, 1969 йилда элликка етди.

У 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олган йили Гулмирза Ниёзов унинг шийпонига келиб, Мардоннинг кенг елкасига қоқди: «Балли, азамат!»

Икки донгдор пахтакор ширин суҳбат қуришди.

1970 йилга келиб, бригада тўлиқ кенг қаторлаб экишга ўтди. Пахта майдонининг саксон процентига чигит дориллаб экилди. Шу йили ҳосилдорлик эллик беш центнердан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида Гулмирза Ниёзов ундан аҳвол сўради.

— Ишлар қалай, полвон?

— Беш!

— Ундай бўлса бир беллашамизми?

— Хўп!

— Қўлни бер, укам!

Уша, 1971 йилги беллашув ҳамон давом этмоқда. Кураш майдони кенг бўларкан. У каттами, кичикми, барига бир хил қараркан. 1974 йилда Мардон Қаршиев бошлиқ бригада азаматлари гектар бошга 61,5 центнердан ҳосил етиштиришди. Бу донгдор пахтакор Гул-

мирза Ниёзов бригадаси эришган натижадан 1,5 центнер ортнқ эди.

Мард одамларнинг кўнгли очиқ бўлади. Улар енгилганда голибга омад тилаб, унинг қўлини маҳкам қисиб қўйишади. Гулмирза ака ҳам худди шундай қилди. У Мардоннинг кенг елкасига қоқаркан босиқ, йўғон овозда дедн:

— Баракалла Мардон!

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ

Ушанда совхоз клубига мутахассислар, бўлим бошлиқларн, бригадирлар тўпланншган эди. Директор тўққизинчи беш йилликнинг сўнги босқичи меҳнат самараларини таҳлил қиларди. Шунда гап қолоқ бўлимлар-у бригадаларга келиб тақалди. 1975 йилда пахтакор учун шароит яхши эди. Сув камчил бўлди, деб нолишга ўрин йўқ эди. Ўғит ҳам етарли бўлди. Техника талабга яраша етказиб берилди. Лекин баъзи бригадаларда ҳосилдорлик 16—20 центнердан ошмади. Бундан кейин ҳам шу аҳвол давом этаверадими?

— Биз, — деди Хуррам Тошмиров кўз ойнагини қўлига олиб ўтирганларга савол назари билан қараркан, — ана шу жумбоқларни ечиш учун тўпландик. Қани, кимда қандай гаплар бор?

Шунда Холмат Қулматов даст ўрнидан туриб, «қолоқлик» тамғасини улоқтириб ташлаш мумкин. У айрим ўртоқлар ўйлаганича қийин ҳам эмас», демоқчи бўлди. Аммо ўзини босди. Қийин эмас! Йў-ўқ... Бордию, кўпчилик ўртасида шу сўзларни айтиб юборса, мақтанчоқлик бўлармиди! Кўпчиликни ишонтириш, айтмоқчи бўлган фикрингни ҳаммага барабар тушунтириш учун босиқлик керак. Уни ўйлаб, бир сўйлаган маъқул.

Холмат Қулматов шуларни ўзича мулоҳаза қилиб, сўз сўраса, минбарга чиқиб нима дейишн ҳақида ўйлай бошлади. Рост-да, қолоқликдан чиқиш мумкин, бу раҳ-

барга боғлиқ. Бўлимда бўлим бошлиғи етакчи — командир, бригадада — бригадир. Улар изланса, илгор тажрибаларни амалда қўллай билса, коллективни ишонч билан олға етаклай олса, ана шундагина ёруғ юз билан олдинга босиш мумкин. Акс ҳолда иш орқага кетади, интизомсизлик кучаяди.

Холмат 1969 йили Денов районидаги Охунбобоев номли колхоздан Бешқўтон даштига кўчиб келганлардан. Совхоз раҳбарлари унга қолоқ бир бригадани олннг, дейишди. Бу саккизинчи бўлимнинг олтинчи бригадаси эди. Бригадада ҳосилдорлик 12 центнердан нари ўтмаган экан. Гектарига 8—10 центнердан ҳосил берган йиллари ҳам бўлган. 8—10 центнер! Йил-ўн икки ой далада кезиб, одам тилга олса хижолат бўладиган миқдорда пахта етиштирилса, бу нима деган гап? Холмат олдин бригада аъзолари билан маслаҳатлашди, сўнг улар билан бирга-бирга дала айланди. Бригада ери сувга қулай жойлашган. Баъзи майдонлардаги ер ости суви юзага кўтарилмаган эди. Техника, ўғит, имконият, шароит — ҳаммаси мавжуд. Охири у тушунди. Иш нотўғри ташкил этилаётганлиги напжасида план бажарилмас экан. Шудгор ўз вақтида ўтказилмаганлигидан чигит бирмунча кеч экилган. Бригадир фўзанинг бўғзини қачон юмшатиш, қачон унинг чанқоғини босиш, гулини тўкмаслик, кўсакни ҳашаротга ем қилмаслик ҳақида обдон ўйламаган. Холмат олдинги бригадир нима хатога йўл қўйган бўлса, ўшани тузатиш пайида бўлди. Натижада бир йилда ҳосилдорлик гектарига 8 центнерга ошди. Тўрт йил ичнда бригадада ҳосилдорлик 38 центнерга етди. 12 центнер қайда-ю, 38 центнер қайда!

1973 йилда Охунбобоев номли совхозга кўчиб ўтганида унга яна худди олдингидай қолоқ бригадани таклиф қилишди. Фарқи — олдинги бригада 12 центнердан ҳосил олган бўлса, бу 16 центнерга етиб, денсиниб қолган. «Бўпти, уч йил муҳлат берасизлар. Карвоннинг

олдига ўтказиб қўяман», деди Холмат Қулматов. Айтганда турди, азамат! 1976 йилда бригада пахтакорлари совхоз хирмонига 38,5 центнердан ҳосил топиришди. 1977 йилда ҳам бригадада ҳосилдорлик ошди.

Мана, яна бир шижоат қилиш ўрни келди, шекилли. Директор ундан сўз кутяпти. Ҳа, унинг номини атайин тилга олмай турибди. Ўзи ташаббус кўрсатиб чиқсин, деяпти у. Тажрибали-да. Дилидагини тилга чиқармаяпти. Холмат Қулматов директорнинг савол назари билан тикилган кўзларидан ўзича шу маънони уқди.

— Хуррам ака, — деди у, — ўтган йили қайси бригада энг паст ҳосил олди?

— Еттинчи бўлимнинг 5-бригадаси. Бригада 16 центнердан ҳосил олди, — деди директор. — Хўш?

— Мен ўтсам-чи, — деди у.

— Ростданми?

— Ҳа-да. Ўн олтинчи устига яна йигирма тўртни қўшиб, қирқдан ҳосил олинб бераман! — деди қатъий оҳангда.

Директор бир зум донг қотиб қолди. Сўнг секин жилмайди-да, қарсак чалиб юборди. Унга бошқалар ҳам қўшилишди. Кейин Холмат Қулматовни қистаб минбарга чиқаришди. Саволга тутишди. У шошилмай, биринкетин ҳали ўйлаганларини гапириб берди. Унинг бу чиқиши далда бериб, яна бир неча тажрибали деҳқонлар қолақ бригадаларни илғорлар қаторига етказиш ниятини билдирдилар. Шу мажлис баҳона совхоз бригадалари ишончли етакчи кадрлар билан мустаҳкамланди.

Холмат Қулматов бешинчи бригада далаларини бир сидра айланиб чиқди. Унга ёққан томони — карталар яхлит эди. Илгарин сув босиб заҳлаб ётган ер ҳам зовур қазилгач, анча соғломлашиб қолганди. Шеробод магистрал каналидан олинган сув бригада пахта майдонини кесиб «СССР 50 йиллиги» совхозига ўтарди. Бу томони ҳам қулай. Яна... Борди-ю, ғўза ҳашаротлар билан зарарланган бўлса, самолётлар қўпиш жойи ҳам

шу бригада территориясида эди. Яна нима керак? Одамлар билан маслаҳатлашилса, гапни бир ерга қўйиб, ишга киришиб кетилса бўлгани. Утган йилдан қолган ер ҳам ҳайдалади, дала ҳуснини бузиб турган ғўзалоя ҳам юлиб олинади.

Шундай бўлди ҳам. Холмат Қулматовга совхоздан янги ҳайдов трактори берилди. Қарши Шомуродов, Меғали Қоржовов, хотин-қизлар далага чиқишди. Ер қанчалик қисқа муддатда экишга тахт қилинган бўлса, чигит ҳам шунчалик тез экилди. Бригада совхоздаги илғор бригадалар қатори уруғни кўкартириб олди, ўшалар қатори озиқлантирди, парвариш қилди. Шонани ҳам, гулни ҳам, кўсакни ҳам улардан кам санмади.

Бугунги кунда лафз, ваъда йўлидаги ташвишлар, саратоннинг иссиқ кунларида қилинган меҳнат ўз самарасини кўз-кўз қилди. Далалар оппоқ. Қараб кўз тўймайди. Холмат Қулматов эса ҳамон дала айланиб ҳар чаноқдаги момик залварини чамалаб, яхлит ҳисоб чиқарилганини кўймайди. У чаноқ санаб юрган эди, ўзи томон келаётган директорни кўриб қолди. Унга пешвоз чиқди. Директор ундан ҳол-аҳвол сўради-да «Қалай?» деди кенг пайкалга ишора қилиб. У мўлжалдагидан ҳам ортиқроқ ҳисил етиштирилганлигини директор аллақачон билиб турганлигини тушуниди. Шу учунми, Холмат бу саволга жавоб бериш ўрнига кенг пешонасидаги терларни артиб, йирик тишларини кўрсатганича мамнун илжайди. Директор ва бригадир қор ёққандай оппоқ пайкални ёқалаб юриб кетишди.

ҲАР ТАШВИШНИНГ БИР ҲАЛОВАТИ БОР

Терим палласи қишлоқ шаҳардан кўра серҳаракат бўлади. Ярим кечада теварак-атроф жим-жит бўлиб қолган паллада ҳам пахта қабул пунктида транспортёр мотори гуруллаб туради. Қўлларида паншаха ушлаб Миср эҳромлари сингари «оқ олтин» тойлари тепасида

юрган одамлар прожекторлар ёруғида аллақандай афсонавий кўринади. Бу соатларда райком секретари ҳам, колхоз раиси ҳам уйқунн унутади. Штаб телефони сутканинг истаган пайтида жиринглаши мумкин... Худди жангдагидек. Пахтазор — зарбдор фронт. Ҳамма пахтазорга, кураш майдонига! Бу деҳқоннинг қалбидан отилиб чиққан даъваткорона жанговар сўзлар! Шу «жангу жадал» тафсилотини ёзиш... осон эмас, албатта. Чўл қайиғи — «ГАЗ-69» да борарканман шулар ҳақида ўйлардим. Ёнимда Урол Раимов «Москва» колхозни комсомоллари етакчили. Тўладан келган, кулча юзли, кўзлари хиёл қисик.

— Сизни пунктда қолдираман-да, меҳмон, — деди у, — «Бўстон»га кетяман. Бугун кечаси тунаб қоламан ўша ёқда. Узгарниш бўлмайти, кўрсаткичи наст бригадалар кўп. Кўрпа ҳам оливолдим. Колхознинг олти участкаси орасида энг қолагни шу «Бўстон». Катталар: «Комсомол шу участкани илғорлар қаторига ўтказсин», дейишди. Хўп, дедим. Участкада саккиз бригада бор. Графикни бажаришмаса, биронтасига ҳам уйқу бермайман.

Машина асфальт йўлдан ўнгга бурилди. Кўз олдимизда «Москва» пахта пункти пайдо бўлди. Сал ўтмай, унинг кенг дарвозасидан ичкари кириб бордик. Қоронғи тушиб қолганлигидан пункт атрофидаги прожекторлар ялт-ялт ёнди. Симёғочларда лампочкалар порлади. Пункт лабораториясида одам гавжум. Штабда эса икки киши ўтирибди. Бирн — Раҳмон Чориев. Кекса «Москва» колхозининг ёш раиси. Унинг бўйи ташвишлар залваридан янада калта тортиб қолгандек. Қишлоқ шлянасини бостириб кийиб олганиданми, юзи ниғичка кўринади. Қон-қора кўзларида ҳорғинлик, қовоғи солинган.

— Эртага ҳаммани жалб қиласиз. Ўзим бораман. Далада нон-чой, қайнатма шўрва, қовун-тарвуз бўлсин, — деди суҳбатдошига ва мен томон бурилди. Зўрға жилмайиб, аҳвол сўради, жавоб кутмасданоқ ҳозирги

койинишининг сабабини тушунтирди: «Эллик киши теримга чиқмаяпти. Ўттиз-қирқ килодан терсаям қанча пахта! Шунинг учун ҳар бригада бошлиғини алоҳида чақириб, кунлик графикнинг бажарилиши, теримчилар иштирокини сўраб олаяпман».

Хонага Қумқўрғон район ижроия комитети раиси Эргаш Жумаев кириб келди. Ташкилотчи, серғайрат раҳбар. У, негадир, хонага кира туриб, Раҳмон Чориевга уст-устига савол берди: «Соат неча бўлди? Ҳеч ким телефон қилмадими?» Раҳмон Чориев эса гўё бу саволларни эшитмагандек, ён дафтарини варақлай бошлади. Эргаш Жумаев стул суюнчиғига елка тираганча телефон трубкаси устига кафтини қўйди ва сўзида давом этди: «Ана, уч машина, «Жигули». Қайси бригада рапорт олиб келса — ўшаники!»

Раҳмон Чориев район ижроия комитети раисига зимдан қараб кулди. Эргаш Жумаев эса бу самимиятга жавобан чўнтагидан машиналар калитларини олади-да, ҳавода ўйнатиб жиринглатади: «Бригадирларга айтинг, армонда қолишмасни!» — дейди. Шу пайт калта бўйли, қотмагина, шоп мўйловли киши эшик олдида пайдо бўлди. Унинг қўлида бир варақ қоғоз. Остонадан хатлаб ўтиш-ўтмаслигини билмай, жилмайиб турарди.

«Рапортми?» — деди раис. «Ҳа, рапорт, бажардик!» — деди у. Эргаш Жумаев ўрнидан туриб кетди ва хонани тўлдириб баланд овозда деди: «Рапорт!» Э, югуриб кирмайсизми мундоқ! Эшикда туришни қаранг-а! Киринг, киринг! Табриклайман!» Штабдагиларни бир зумда хурсанд қилиб юборган бу киши Хуррам Бобоқулов экан. У тўққиз йилдан бери бригадирлик қиларкан. Бригаданинг пахта ҳосилини 25 центнердан 48 центнерга кўтарибди-я, ўтган йили янги ер очишга жазм қилибди. Ярим қумлоқ, паст-баланд жойдан 38 гектар ер ўзлаштирган. Олдинги йил деҳқончилик қилинган 50 гектар ерни ҳам «ўзиники» қилибди. Жами 78 гектар ерга чигит экибди. Қолхоз раиси «34,5 центнердан ҳосил ол-

сангиз, марра — сизники», деса Хуррам ака: «50 центнердан хирмон уймасам, даштнн тарк этаман» дебди. «Бу йил жуда қийналди, — дейди раис. — Сув далаларига етиб боргунча 103 метрга кўтарилди, тўрт марта насос билан тортиб чиқарилди. Ўзи механизатор. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери. Тер тўкиб ишлади, жазирамада бир кун ҳам даладан чиққан эмас...»

Бир қувонч иккинчисини етаклаб келаверар экан-да. Ҳаял ўтмай, яна бир бригада — Муртоза Жавлиев бошлиқ пахтакорлар раиснинг қўлига рапорт тутқазди. Бу бригада 54 гектар ерда пахта етиштириятн. Ҳозир ўртача ҳосилдорлик 40 центнерга етиб қолди. Коллективнинг мўлжали — 50 центнер! «Ҳар кунн, — дейди Ленин ордени кавалери Муртоза ака, — 2,5—3 центнердан ҳосил териб олаёلمиз. Бу сал кам бир процент, демак. Далада ҳосил етарли, кўсақлар кўп. Бир очилиб берса бўлди...» Муртоза Жавлиев гапини тугатмаган ҳам эди, учинчи хушxabарни олди. Бу — механик-ҳайдовчи Ҳаким Эшалиевдан эди. Унга нжроқўм раиси машиналар стартга тушган кунн ваъда берган: «Ипак пахтадан 150 тонна терган куннинг, бир машина сенга мукофот», деган экан. Қаранг-а, Ҳаким Эшалиев рапорт топширган шу соатда Эргаш Жумаев ҳам унинг қўлига машина калитини тутқазди.

— Соат неча бўлди, раис?

— Ўн икки бўляпти.

— У-ҳў, иш чатоқ, — деди Эргаш Жумаев қалин дафтарга кўз югуртираркан. — Мана қаранг, кеча бу пайтда пункт сиздан 150 тонна пахта қабул қилиб олган. Ҳозир — 146 тонна. Тўрт тоннани қаердан оламиз?

— «Бўстон»дан икки тележка жўнабди. Ҳалигина комсомолнинг шофёри айтиб келди. Қарсоқлидан бир тележка келади. Янгирчиқларнинг пахтасини лабораторияда текшириб кўришмоқда. Борди-ю, ҳар бири икки тоннадан тарози босгандаям, мана, сизга саккиз тонна,

ижроқўм бова, — Раҳмон Чорнев босиқ жилмайиб, чойдан хўплайди. — Кечагидан ўзамиз, дедимми, ўзамиз!

— Тилингизга асал, раис, шундай бўлсин. Бир кеча бўлсаям ором олиб ухлайлик.

Бироқ бу тун ҳам ором олиб ухлаш nasib бўлмади. Ярим кечада ҳукумат телеграммасини етказишди. Эргаш Жумаев шоша-пиша райком котибинини излашга тушди. Чорн Алматович уйида ҳам, кабинетнда ҳам, хўжаликлар штабларида ҳам йўқ эди. Ижроқўм раиси ўз ёғига ўзи қоврилари; «ўн минут бўлди-я, гаплашувдик. Қаёққа кеттикин, секретарь», дейди такрор-такрор. Телефонистка қиз қаёқдандир Чорн Алматовичнинг адресини топибди. У обком вакили Эсиргаф Муҳаммадиев билан «Пахтакор» совхозининг бир участкасига кета туриб, йўлда райком пахта штабига қўнғироқ қилган экан. Ижроқўм раиси унга телеграмма текстини ўқиб берди. Ҳамма хўжаликлар раҳбарларига, партия ташкилотлари секретарларига бу муҳим топишиқни зудлик билан етказиш, эртага эса бу ҳақда ҳар бир теримчининг билиши лозимлиги ҳақида келишиб олдилар.

Эргаш Жумаев хўжаликларга телефон қила бошлади. Биз раис билан хона бурчагидаги диванда суҳбатлашиб ўтирдик.

— Бу йил оғир бўлди, — дейди Раҳмон Чорнев. — Биз ҳеч қачон бундай сув танқислигини сезмаган эдик. Бутун ёз бўйи 1,5—2 кубметр сувни нормадагидан кам олдик. 2420 гектар ерга пахта экканмиз. Жанубий Сурхон сув омборининг Ўгригузар деган жойидан йирик насослар ёрдамида тортиб олинган сув яна 78 та майда насослар билан далаларимизга етказиб берилади. Сув бизда йил — ўн икки ой қулф-калит...

Деҳқон, чамаси, энг сарташвиш инсон. У саратон жазирасида ғўзани чанқатмаслик, ҳар бир шона ва ҳар дона гулни асраб қолиш учун кунни тунга улайди. Август — асат ойна. Бу ойда деҳқон: «Асат — экиннингни ясат!» деган шнорни баланд кўтаради. Бу ойда трактор-

лар тинимсиз ишлайди. Пахтакор кўсак санайди. Кўсак санаб, ҳосилни чамалайди ва кузги чўнг хирмон қақида тунлари бедор ўйлайди. Ўша югуриб-елишлар, ташвишлар, тер тўкиб қилинган меҳнат самараси дуру-гавҳар бўлиб деҳқоннинг ўзига, эл-халққа қайтаяпти. «Сув кам бўлса ҳам ҳосил мўл бўлди, — дея давом этади раис. — Ҳар куни ўрта ҳисобда 150—170 тоннадан пахта териб топширдик. Кундалнк иш суръатп жиҳатдан районда биринчи ўринда боряпмиз».

— Раис?.. — Район ижроия комитетининг раиси биз томон савол назарн билан қараб қўйди. Раҳмон Чорнев «Мен, ҳозир» деган маъно бердида ўрнидан қўзғалди. Район ижроия комитети раиси пешонасидаги терларни артди. — Роса иш босиб қолдим! Сиз бориб ухласангиз бўларди, меҳмон. Суръат тушмаса-ку билинмайди, аммо пастлаб кетса борми, ҳей, алам қилади-да. Бош ҳам оғрийди, ҳориб-чарчайсан ҳам, киши.

* * *

...Айни саҳар вақтп. Осмон булут билан қопланган. Тонг отмоқда. Турли машиналар, «зангори кема» ва тиркаб ишлатиладиган арава судраган тракторлар тинимсиз қатнайди. Насос патиллаб ишламоқда. Одам танасидек қувурдан сув отилиб чиқиб, катта ариққа қуйилади. Ариқ бўйнда, катта бир уюм тупроқ тепасида шу ажойиб манзарани кузатиб раис турибди.

— Уйга кетмапсиз-да, раис?

— Сизни якка қўймай дедим-да.

— Раҳмат!

— Хў-ўш, бугун учинчп ҳафта бўпти, уй юзини кўрганмиз йўқ, — ёрилди раис. — Бир менгина эмас. Партком секретари ҳам, аргоном-у бригадирлар ҳам. Оз қолди, жуда оз. Уйга ғалаба билан борамиз. Шундай аҳд қилганмиз.

Сал ўтмай биз турган жойга Чори Алматов, Эсиргаф Муҳаммадиевлар ҳам келишди. Чорп ака ариқ сувига юз

чайди-да, обком вакилига: «Эртага партия активи. Сесия хужжатларини муҳокама қиламиз. Обкомнинг иккинчи секретари Виктор Константинович қатнашарканлар. Бизга икки-уч соат рухсат. Шу масалалар билан бир оз шуғулланай», — деди. Улар туш маҳал учрашишга келишиб хайрлашишди. Обком вакили қам райком котиби билан изма-из кунлик терим суръатини пасайтириб юборган хўжаликлардаги аҳволни ўрганиш учун жўнади. Раҳмон Чорнев эса район ижроия комитети раиси билан биргаликда Қарсоқли, Хўжамулки ва Боботоғ участкаларидаги машина терими учун ажратилган пайкалларни кўргани кетишди. «Қаёққа, шошади, бу одамлар? Лоақал тамадди қилиб олишса бўларди, — дейман ўзимча ва яна бу фикримдан қайтаман. — Вақт зиқ, вақт! Кўкда булут айланиб қолди. Ҳозирги ҳар дақиқа олтинга тенг».

Шу ўй билан дала айландик. Кўп пахтакорлар билан суҳбатда бўлдик. Фотомухбир қуёшнинг булутлар орасидан ярқ этиб чиққанидан фойдаланиб, бир илгор механизаторни суратга олмоқчи бўлди. У аппаратнинг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, механизаторга яқинроқ борди ва «Э-э... — деганча изига бурилди. — Соқолни тезгина қирдириш пложи йўқми?» «Бор, — ҳазиллашди кимдир. — Фақат районга зувв этиб тушиб келиш керак-да». Ҳамма бараварига кулиб юборди.

Боботоғ участкасида ҳам худди шундай ҳол такрорланди. Лекин у ерда фотомухбир шошилмади. Бригадирга: «Соқолни қирасиз, монави чувт дўпини кийиб, жилмайиб суратга тушасиз», — деди. Кимдандир яп-янги олмос ҳам тошилди. Бир қарич қамиш олиб, орасини ёрдилар-да, қўлбола устара яшашди. Ҳаял ўтмай, олдин кекса кўриниб турган серсоқол одам сип-силлиқ, 35—40 ёшлардаги йигитга айланди-қолди. У хпжолатда эди. «Уйга бормасак... Вақт йўқ-да... Сартарош келмаса бу ёқларга...» — дерди у силлиқ нягини кафти билан ишқаларкан.

Шунда шаҳар ва районлардаги оқ халат кийиб, зерикиб ўтирган сартарошлар беихтиёр кўз олдингда гавдаланади. Улар кўпинча план катталигидан, уни бажаролмасликларидан нолийдилар. Кун бўйи миждоз кутиб, тоқатлари тоқ бўлади уларнинг. Уларни зериктирмаслик ҳақида бир карра дурустроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Ўқитувчиларни ҳар бир бригадага агитатор сифатида бirkитиб қўямиз. Ингим-терим мавсумида врачларга маълум участкани ажратиб, шу территория аҳолисининг соғлиги учун сиз жавоб берасиз, деймиз. Қарияларга, биринчи синф ўқувчиларига кўчаларни тақсимлаб берамиз, тележкалардан тушган ҳар миққол пахтани авайлаб йнғиб олинг, деймиз. Савдо ходимига, кўчма дўкон ташкил қил, деймиз. Почталёон ҳам, бадний ҳаваскорлик коллективлари ҳам дала томон йўл оладилар. Аммо сартарош-у этикдўз эса ўша кичик дўкончасида миждоз кутгани кутган.

Йўқ, бўлмайди! Бизнингча, уларга ҳам хўжаликлар, бўлим ва бригадаларни бўлиб бериш керак. Майли, колхозми, совхозми, манший хизмат кўрсатиш ташкилотими уларга транспорт ажратсин. Сартарош эса далага — деҳқон ҳузурига борсин. Ахир, кўраянимиз, деҳқон долзарб паллада ҳам саранжом-сариншта бўлиб юришни, ҳаммомга боришни, концерт кўришни хоҳлайди. Лекин у ўйлаган ўйини рўёбга чиқаришни учун эса зарур шаронт етишмайди, холос. Пахтакорлик касбини янада улуглаш, қишлоққа, далага меҳр-муҳаббатни кучайтириш ва, ниҳоят, тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонлари бунёд этиш учун жуда узоқ вақтлар майда-чуйда деб ҳисоблаб келинган, аслида бугунги меҳнат маданияти, фаровон ҳаёт, чароғон турмуш, тўкин-чочин дастурхон тақозо қилаётган нарсаларга ҳам сидқидилдан эътибор бериш вақти келиб етди.

Шу кунин яна бир муҳим масала атрофида ҳам анчагина мунозара бўлди. Бу пахтакорнинг август юмушлари ҳақида эди. Бу сўхбат жуда оддий бошланди. Биз тушкчи

понушта қилиб ўтирардик. Райком секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чори Алматов ипёладаги ҳовури кўтарилиб турган кўк чойдан хўпларкан ёнида ўтирган Раҳмон Чориевга бир-икки қараб қўйди, сўнг ўнг қўли билан унинг томirlари бўртиб чиқиб турган бўйнидан ушлади-да: «Чатоқ бўпти-ку. Ҳисобчилар ҳисобдан адашишган экан-да. Райондан 0,90 процент ортда қолибсизлар. Мен ҳисоблатиб кўрдим», деди.

Маълум бўлишича, райстатдаги ўртоқлар бир гал «0,9» ўрнига «90» деб ёзиб қўйган ва колхоз шу ҳисобда райондан илгарилаб кетган экан. Энди бўлса, райондан ортда қолиб турибди. «Ортда қолмаймиз, — деди Раҳмон Чориев ҳам бўш келмай. Ярим кун бўлсаям райондан олдин чиқамиз». Чори Алматов раисга меҳр билан кулиб боқиб турди-да, елкасига-қоқди. «Августда ишладиди-да булар. Биринчи котиб оталигидаги хўжалик орқада судралиб юрса, биз кимга ҳам ботиниб гапиришимиз мумкин, ахир! Лекин роса пшлашди булар ҳам. Августда пешонадан дув-дув тер чиқса, кузда у дуру-гавҳар бўлиб, деҳқоннинг ўзига қайтади», — деди Чори ака.

— Ҳамма ҳам шу оддий ҳақиқатни тушунини хоҳламайди-да, — деди ҳалидан бери жим ўтирган Эсиргаф Муҳаммадиев. — Августда деҳқоннинг бели бир оз бўшашади. Ҳам ҳаво сал юмшайди, жазирама ҳарорат хийла босилади. Буёғи пишиқчилик, тўй-томоша дегандай. Буни тажрибада кўрдик-да.

— Шунинг учун ҳам худди шу ойда қаттиқ туриш керак. Августда, ростки, мен «жанжалкаш» бўлиб кетман — мийиғида кулиб қўяди Чори Алматов.

— Пахтани пахта қиладиган тўрт нарса бор, — деди Эсиргаф Муҳаммадиев. — Булар — туп сонни, гул, кўсак, чаноқ залварни. Туп сонни кам бўлса, ўрнига экиб тўлғазини мумкин. Гулни ҳам нормага етказса бўлади. Ҳозир ҳам, мана, октябрь ойи охирида айрим жойларда гўза гуллаб турибди. Кўсак ҳам шундай. Лекин ҳар чаноқдаги пахтанинг залварни... Бу бошқа масала! Кўсак

ичидаги момиқнинг эса у бодроқдай очилмасдан туриб, оғири ҳақида каромат қилиб бўлмайди. Бунинг устига гап-бир чаноқдаги пахта устида кетса экан-да. Биз мисқоллардан тўпланадиган минг-минг тонна ҳосил ҳақида ўйлаймиз.

Эсиргаф Муҳаммадиев пахта илмини манман деган бир деҳқончалик биладиган одам. Узоқ йиллар партия ва совет ташкилотларида ишлаган, кўпни кўрган, киши. Ҳозир область молия бўлими бошлиғи. Чори Алматов унинг сўзларини диққат билан тинглаб турди ва беихтиёр ўрнидан қўзғалиб, дераза оша ташқарига қараганча ўйчан бир тусда:

— Ҳавонинг авзойи бузилди, — деди.

— Ўтиб кетади. Диққат бўлманг. Ҳавога қаранг, ҳаммаёқ чанг, оғир чанг. Бундай пайтда ёмғир ёғмайди, — дейди Эсиргаф Муҳаммадиев.

...Октябрь ойининг иккинчи ярми серёғин келди. Дала нам тортди. Пахтани териш қийинлашди. Лекин кечалари увиллаб изғиётган афғон шамоли, ҳар кун, ҳар тун ёғиб ўтаётган ёмғир жамikki деҳқон аҳлини қайтага ҳушёр торттириб юборди. Ҳамма — катта-ю кичик белига этак боғлаб далага отланди. Бу сафарбарлик янги-янги зафарлар келтиришига шак-шубҳа йўқ. Бу ташвиш ҳар бир киши қалбини галаба қувончи билан илтишига, ҳаловату роҳат бахш этишига ишонч қилди.

ИККИ СУҲБАТ

Кечаси навбатчилик қилаётгандим. Хонага Демьян Демьянович Бичков кириб келди. Д. Д. Бичков — Сурхондарё область «Ленинское знамя» газетаси редактори, кекса журналист, Сурхондарёда қишлоқ хўжалиғи тараққиётига онд бир неча рисоалар ёзган. У мендан нима билан шуғулланаётганимни суриштирди. Мен унга қишлоқ муаммолари ҳақида бош қотириб юрганлигимни айтдим.

— Яхши. Хойнаҳой, ер ҳақида, чорва ҳақида бўлса керак-да, а?

— Шулар, яна бошқалари...

Дарвоқе, ер ҳақида ўртоқ Л. И. Брежневнинг яхши бир гапи бор, — редактор ён дафтарини варақлаб, керакли жойни топди-да, столим устига қўйди. — Мана, ўқиб кўринг.

Мен овоз чиқариб ўқидим:

Табиий ресурслардан омилкорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланиш, ер, ўрмон, дарё ва тоза ҳаво тўғрисида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буларнинг ҳаммаси бизнинг жонажон коммунистик ишимиздир. Биз совет кишиларининг ҳозирги ва келажак авлодлари учун еримизни асрашимиз ва безашимиз лозим.

— Хўш, нима дейсиз? Ҳозирги ва келажак авлод учун... Мана, биз ерни нима учун асрашимиз керак, билдингизми? Рости қишлоқ муаммолари мени ҳам қизиқтиради. Ҳатто бир неча йил фактлар тўплаб ҳам юрдим. Шулардан айримларини сизга айтиб берай.

Абдураззоқ Мусаевни яхши биласиз. Узоқ йил раислик қилди. Ҳозир республика аҳамиятидаги пенсионер. Шу одам облэлектросегьдагилар билан бир йил суришиб юрди. Нима учун дейсизми? Қолхоз пахта майдонлари ичидан симёғоч ўтказдирмайман, деб туриб олди. Ҳеч бўлмади, охири, райкомга чақиринди, обкомдагилар суҳбатлашишди.

У ҳамманинг олдига бир талабни қўйди: симёғочлар ерни ўғирлайди, деди. «Қандай қилиб ўғирлаши мумкин, ҳар бирига бир қаричдан ер кетади...», дейишди баъзилар. Шунда раис оқ оралаган муртини босиб-босиб, «ана, энди пайти келди» дегандек сўзлай бошлади:

— Бир қарич.. Бир қарич эмиш-а! Мен ҳисоблаб чиқдим. Бизнинг далаларга юқори вольтли элликта симёғоч ўрнатиларкан. Ҳар бирига камда бўйн-энига ўн метрдан жой кетади. Ҳар нетрига, майли, олти туп ғўза бўл-

син. Аслида бир метр ерда 10—12 тун ғўза ўсиши мумкин. Ҳар тун ғўзада камиди йиғирма бешта кўсак бўлади. Хуллас, юқори вольтли ток ўтадиган элликта симёғоч колхознинг қарийб бир центнер пахтаси бнтадиган жойни эгаллайди. Йўқ, мен карталаримиз ўртасида симёғоч кўмилишига қаршиман. Марҳамат, ер ости кабели ўтказишсин.

Ана, кўрдингизми, яхши деҳқонга бир қарич ер ҳам олтиндек қиммат. Баъзи хўжалиқларимизда-чи? Ернинг тили йўқ-да. Тили бўлганда айтадиганини айтарди-я. Тўғри келган жойга, даланнинг четига ҳам, ўртасига ҳам дарахт экиб ташлайдиганлар камми? Энг яхши, унумдор ерда шийпон қуриб дала ўртасидан йўл ўтказиб қўядиганлар озми?

Районларда бўлганинда, баъзи кишиларга: «Нега ерни исроф қиляпсиз?» десанг, тиржайиб кулади. Худди сени калака қилаётгандек, «Ер кўп-ку, акавой. Олам кенг. Ҳаммага етади», дейди. «Йўқ, ер кўп эмас. Еримиз жуда оз. Қани, эди еримиз шунга икки ҳисса кўп бўлса!» дегинг келади.

Бундан икки-уч йил олдин Сарпоснёга борганимда, Боботоғдаги бепоён ерларни, қир-адирлар, юксак чўққиларни кўриб, юз минг гектар ерлар бекор ётганлигининг гувоҳи бўлгандим. Тўғри, ҳозир ўша ерларнинг баъзи қисмида мева дарахти кўчатлари экнлаётир. Бироқ жуда кам. Биз ўз қўлимиз билан ўрмонзорлар бунёд этишимиз керак. Боботоғ олмаси, анори, беҳиси, Боботоғ қовуни худди унинг пистаси каби машҳур бўлмоғи лозим. Шундай қилса бўлади. Техника бор, ишчи кучи етарли. Фақат эътибор бўлса, бас.

Хўп, дарахт экмасак, беда уруғи сепайлик. Бошқа чорва озиқлари етиштирайлик. Бу тажрибани қашқадарёликлар неча йиллардан бери синаб кўраётирлар. Деҳқонободда, Бойсуннинг нақ биқинида, қашқадарёлик чорвадорлар беда уруғи етиштираётирлар. Тоғда, шундайгина нишаб жойларда лалми беда ўсиб ётибди. Биз-

нинг бир қанча хўжаликларимиз шу беда уруғидан сотиб олаётирлар. Ахир, сотиб олгунча, ўзимиз етиштирсак бўлмайдими? — Демьян Демьянович бир фурсат ўйлашиб туриб давом этди.

— 1972 йилда райондан масъул бир ўртоқ келиб, колхознинг 30 гектар серунум ерини бўрдоқчилик пункти ихтёрига олишини айтади. Маслаҳат йўқ, бошқа йўқ, тўғридан-тўғри шунча ерни оламиз, дейишади. Олдин рансга: «Инсоф билан энг дуруст ерингизни кўрсатинг. Ўлчаб олишсин», дейишади. Ранс: «Мен ҳам ер берай, ҳам инсофни ўртага қўяйми? Йўқ, акавойлар, ўттиз гектар у ёқда турсин, ўттиз қарич ҳам ер бермайман», дейди жаҳлланиб. Анча кун шу аснозда тортишув бўлиб турди. Охири, область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи келди-да, бригадама-бригада айланиб юриб, ер ўлчовчиларга бир жойни кўрсатди:

— Улчанглар! Мана шу ердан бўрдоқчилик пункти фойдаланади, — деди.

Ранс у идорага кирди, бу идорага кирди — ҳеч натижа чиқмади. Бўрдоқчилик пункти ўша ерга беда экди. Шу билан ҳаммаси ниҳоясига етгандек эди. Пункт одамлари беда парварниши билан қизиқишмади. Қолхоз уч марта беда ҳосилини гарамлаганда пунктдагилар зўрга бир марта ўриб олишди. Ранс мени сувсизликдан жингиртоб бўлиб ётган ўша бедазорга олиб борди. Пешоналарини тириштириб, афеус билан гапирди у: «Шу ерга пахта экканимизда, борингки, ўттиз центнердан ҳосил олинганда ҳам тўқсон тоннани ташкил қиларди. Бунини пулга чақадиган бўлсак, неча сўм бўлади? Хўш... Биз ўртача ҳар гектар ер ҳисобига нкки минг сўмлик пахта сотянимиз. Демак, бир йилда колхоз олтимиш минг сўм пулини йўқотди».

Иккинчи йили ранс бу ерни, ҳеч кимга билдирмай, ҳайдатиб юборди. Эрта баҳорда эгат очиб чигит қадашган. Уруг ниш отиб, дала яшил тусга кира бошлаганда пунктдан икки-уч сувчи келиб бедазор пахтазор бўлиб

қолганлигини кўриб, ҳайратга тушишди. Шунда ўша ўртада юрган кишилардан бири уларга: «Бедазорни ер ютди! Унга дуруст-қурум қарамаган экансизлар, сизлардан нолаи фиғон қилиб, ер комига кириб кетди», деган ва қаҳ-қаҳ отиб кулган.

Чигит экилган далани бузиб, яна беда экишга эса ҳеч кимнинг юраги бетламади. Шундай қилиб, колхоз ерни яна қайтариб олди. Ерни эплаган деҳқончилик қилсин, дейишди улар ва уни амалда исботладилар ҳам. Ўша йнли ўттиз гектар майдондан 150 тоннага яқин дуру гавҳар йнғиб олишди.

Бу суҳбатдан кейин анча вақт ер тақдири ҳақида бу садоқатли дўст меҳрибон заминнинг саховати ва эҳтиёжлари ҳақида, унга ғамхўрлик қилиш тўғрисида ўйлаб юрдим. Ўша кунларда кекса агроном Михаил Сергеевични учратиб қолдим. У редакцияга «Ютуқларимиз ҳақида ўйлар» сарлавҳали мақоласини олиб келганди. Унда ютуқларни янада кўпайтириш омиллари ҳақида гап борарди.

— Михаил Сергеевич, сиз алмашлаб экишни қатъий тартибда жорий этиш керак, деган фикрни ўртага ташлаяпсиз. Ахир, бу фикр эскирмадими? Алмашлаб экиш зарурати деҳқонлар онгига аллақачон сингиб кетгандир?

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. С. Истомин стулни гичирлатиб қўйди. Кейин калта-калта сўзлай бошлади.

— Ҳа... Ҳамма гап шунда-да. Янгилик деҳқоннинг қон-қонига сингиб кетиши керак. Акс ҳолда у бир пайдо бўлади-ю, ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Алмашлаб экиш кечаги ёки бугунги янгилик эмас. Қадимда ҳам деҳқонлар экин майдонини алмаштириб турганлар. Одам ҳаво алмаштирса яйрагани сингари экин ҳам жой ўзгартирганда бўлиқ ўсади. Лекин кўпинча деҳқонларимиз бир ерга ёпишиб олаётирлар. Айниқса ҳосилдорлик йил сайини ошиб бораётган бўлим ва бригадаларда бу кайфият кўзга яққол ташланади. Улар қирқ-эллик центнер-

дан пахта олинаётган далага дам берилса, ер соғломла-
шишини яхши билишади. Аммо, ўзингиз ўйлаб кўринг,
чавандоз илдам отини бошқа бировга беришга кўзи қия-
дими?

Алмашлаб экиш қатъий план асосида олиб борилши
керак. Бунда пала-партишлик, шошма-шошарлик, ай-
ниқса юқори ташкилотларга ҳисоб бериш учун бир-икки
далага беда ёки маккажўхори экиб, кейин уни унутиб
юбориш кабилар фақат зарар келтиради. Бизда план
бор. Масалан, у ёки бу хўжаликда бу йил неча гектар
ер алмашлаб экилади, деган саволга исталган пайтда
жавоб олиш мумкин. Аммо бу тadbир алмашлаб экиш
плани асосида олиб бориляптими ёки йўқми — масала-
нинг бу томони хўжалик раҳбарлари ихтиёрига ҳавола
қилинган. Биз пахта планининг бажарилишини қатъий
назорат қиламиз. Ғалла, чорва маҳсулотлари тайёрлаш-
да ҳам сал сусткашликка йўл қўйилса, кўнгил хира бў-
лади.

Алмашлаб экишда-чи? Хўжалик юқори ҳосилли бўл-
са, тамом, кўнгил хотиржам. У ер қувватини ошириш
тадбирларини кўраётирми, йўқми — ҳеч кимнинг иши
йўқ. Ҳеч ким ички хўжалик юмушларини майдалаб таҳ-
лил қилиб турмайди. Областда эса кам ҳосилли хўжалик
деярли йўқ. Ахир, биз ҳосилдорликда республикада ик-
кинчи ўриндамиз-ку.

Барибир, статистик маълумотдан ташқари алмаш-
лаб экиш хўжаликда қандай жорий қилинаётганлигини
аниқ ўрганиб, жиддий назорат қилиб бориш зарур. Қиш-
лоқ хўжалик органлари мутахассислари бу иш билан
бутун йил давомида шугулланишлари лозим. Илғор таж-
рибалар оммалаштирилиши, зарур бўлса, алмашлаб
экиш намунали йўлга қўйилган хўжаликда семинар-кен-
гашлар ташкил қилиш мумкин.

Масалан, Деновдаги «Ҳазорбоғ» совхозининг алмаш-
лаб экиш бўйича тажрибасини ўрганиш мумкин. Хўжа-
ликнинг ҳамма майдонлари ўн икки массивга бўлинган.

Ҳар массивда 10—12 тадан дала бор. Шу далаларнинг уч-тўрттасида икки-уч йил беда ёки бошқа экин ўстири-лаётир. Қолганида эса пахта етиштирилади.

Баъзилар бу ҳолда пахтанинг ялпи миқдори камайиб кетади, дейишади. Бу нотўғри. Ҳазорбоғлик деҳқонлар бIRON йил ҳам пахтанинг умумий миқдорини камайтир-ганлари йўқ. Аксинча, пахта хирмони тобора юксалиб бораётир. Улар бунга гектарлар имкониятини ошириш ҳисобига эришаётирлар.

Шу райондаги «8-Март» колхозида эса аҳвол ўзгача. «Ҳазорбоғ» совхозида экин майдонларининг олтинш про-центиди пахта етиштираётган бўлса, бу ҳўжаликда жами ерларнинг саксон процентига чигит қадалади. Лекин ял-пи ҳосилда ҳам, гектарлар ҳосилдорлигида ҳам «Ҳазор-боғ»дан ортди. Хўш, нега? Ҳамма гап — бу колхозда ал-машлаб экинш сует жорий этилаётганлигида.

Бундай мисоллар кўп.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Михаил Сергеевич вазмин жилмайди. Ҳоври чиқиб турган кўк чойдан бир ҳўпледи-да:

— Ютуқларимизни кўпайтиришнинг яна бир омилли бор, — деди у. — Бу ҳақда ҳам анави, қўлингиздаги ма-қолада сал-пал тўхталганман. Бу Гербицид! Гербицид бизнинг деҳқонларимиз учун янгилик. Биз уни атиги 1970 йнли қўллаш бошладик. Гербицидни биринчи бўлиб, Гулмирза Ниёзов синаб кўрди, шекилли. Биринчи йнли унинг ўзи ҳам иккиланди. Чунки у «Узельхозтехника» ом-боридан гербицид олиб келганда, кўплар қизиқиб, ундан сўраб-суриштиришди: «Бу қандай дори? У нима учун керак?» ва ҳоказо. Гулмирза уларга бир хил жавоб бера-верган: «Бу, ўтти таг-томпри билан йўқотармиш. Бир си-наб кўрайин-чи». Шунда ҳамкасблари унинг шубҳасини баттар оширишади: «Ҳа, ўтти қуригса, нав-ниҳол гўзани тинч кўярмикан? Ҳойнаҳой, гўзага ҳам зиён борди-ров...», дейишади. Охири, Гулмирза: «Бўлгани бўлар. Бу ҳам бир таваккал-да», дейди ва чамаси қирқ гектар май-

донга чигитни гербицид билан экади. Гўза икки-уч қулоқ бўлади, куртак отиб, гул кўрсатади ҳам ҳали чигит ниши отмай, далани босиб кетадиган бегона ўтлардан ном-нишон кўринмайди.

Гулмирза Ниёзов даласида икки хил манзара намоён бўлади. Бир қисмида фақат гўза. Улар эркин нафас олиб, яйриб ўсарди. Бир қисмига бегона ўтларни йўқотниш учун ишчи кучи сафарбар қилинган эди. Бу ерларнинг гўзаси бирмунча нозик, гуллари анча кам эди. Уша йилли карталар ҳосилдорлиги ҳам ҳар хил бўлди. Гербицид билан дориланган майдонларда ҳосилдорлик гектарига етти центнерга ошди. Одатдагидай экилган ерлар ҳосилли эса олдинги даражада қолди.

Иккинчи йилли Гулмирза Ниёзов ҳамма майдонларида бу доривордан фойдаланди. Эллик центнердан ошириб ҳосил йилди. 1972 йилда гектар бошига олтмиш центнердан пахта олди. Кейин олтмиш бешдан ҳосил кўтарди. Гулмирза Ниёзовга бу меҳнатлари эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Гербицид айниқса термизликларга жуда керак дорп. Чунки, бу район ерлари неча йиллардан бери бегона ўтдан чиқмайди. Баъзан ҳатто гўза кўринмай ҳам қолади. Лекин гербициддан фойдаланишни кўпчилик раис ёки агрономлар ўйлаб кўрганларича йўқ.

Яна бир масала. Биз 1973 йилда 440,6 минг, 1974 йилда 460 минг, 1977 йилда 470 минг тонна пахта етиштирдик. Галла ҳам кўпайди. Жарқўргон, Сарисоёе районларида пахта ҳосил гектаридан 40—42 центнерга етди. Бир қатор хўжаликлар 50 центнерни ортда қолдириб, 60 центнер учун кураш бошладилар. Хуллас, пахтачилик бизда жуда тез ривожланаётир.

Хўш, сабзавот-полиэ маҳсулотлари, мева етиштиришчи? Деярли ҳар йилли аҳвол бир хил. Шу ихчамгина шаҳарчамиз. Термиз аҳолисига баъзан ёз неъматлари етиштириб бериш мушкул бўлиб қолаётир.

Аммо айрим хўжаликларимиз сабзавот-полиз маҳсулотлари тайёрлаш планларини ўттиз-қирқ процентга етказиб бажарадилар. Сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш планининг бажарилишини таъминлай олмаган хўжалик раҳбари эса бемалол ишни давом эттириверади. Натижада келгуси йили у пахтадан бошқасига бутунлай эътибор бермай қўяди. Ундан бошқалар ҳам «ўрнак» олади.

Михаил Сергеевичнинг ҳикояси менга бир воқеани эслатди. Шерободдаги Киров номи колхоз (ҳозир В. Қодиров номидаги совхоз) агрономи куйиниб, раис ҳузурига кирганди. У лаблари титраб, раисга шикоят қила кетди:

— Ҳар бригадада икки-уч киши бекор юрибди, раис. Бригадирларга, «ўша кишиларнинг қўлига кетмон бериб, ғўзани суғоришга жалб қилинглар», десам, худди маслаҳатлашгандай, ҳаммаси бараварига: «қовун-тарвуз қуриб кетаверсинми?» дейишди. Бирови туриб: «Сабзўн-яни ўт босиб кетган. Икки-уч кишини қўшимча ажратмасак бўлмайди», деди. Мен, «бу гапларни бир четга йиғштириб қўйинглар-да, сувчилар сонини кўпайтиринглар, кечаси комиссия юради, жанжалга қолмайлик», дедим. Улар бўлса, «яхши, айтганингиздай қиламиз. Лекин биздан полиз экинлари, сабзавот планини соқит қилинг», дейишди. Бошим қотиб қайтавердим. Кечқурун вакиллар келишса, сувчилар кам, нима деб жавоб берамиз, раис?

Раис бошини ҳам қилганча ўйланиб турди-да, деди:

— Ўзи-ку шу, сабзавотни бригадаларга бериб бекор қилган эканмиз. Алоҳида полизчилик бригадаси тузишдан маъқули йўқ эди.

Михаил Сергеевич меннинг сўзларимни бутун вужуди билан тинглаб, секин ўрнидан турди ва қўлини ҳавода ўйнатиб:

— Ана, бу танглик! Ана бу хатони тан олиш! Улар тўғри ўйлашибди. Аммо анча кеч ўйлашибди. Хўш, пахтачилик бригадасига қовун-тарвуз ҳам етиштирасан деб,

план юклар қўйишнинг нима зарурати бор? Ахир, пахтачилик бригадаси-ку у. Марҳамат, пахта етиштирсин. Умуман, мен сизга айтсам, бизда полиз экинларига ер ажратишда тартиб йўқ ҳисоб. Олдинлари қовун-тарвуз-ни пахтадан анча узоқроқ жойда экишарди. Ҳозир-чи? Шийпон атрофидан ёки пахтазор ўртасими, четими, охириданми бир парча ер ажратилади-да, эгат очиб, уруғ ташланади. Бундай қилганда ер ўғирланади, картанинг яхлитлигига дутур ётади.

Ўза зараркундалари бизни заҳарли дориларни ишла-тишга мажбур қилаётир. Биз эса унинг осон йўлини то-пиб олганмиз. Самолётлар осмонга парвоз қиладилар-да, бункер эшигини очиб юборадилар. Заҳарли дорилар пахтазорга ҳам, полиз экинлари майдонларига ҳам, ариққа ҳам худди ёмғир сингари бирдек тушади. Шу тўғрими? Мутахассислар бундай ҳаракатни қаттиқ қорала-шади. Улар, заҳарли химикатлар аҳоли яшайдиган жойлар, фермалар, марказий йўллар, каналлардан кам-да минг метр нарида сепилиши керак, дейишади. Хўш, самолётда турган учувчи шў қондага амал қила олади-ми? У — самолёт. Унинг бункери очилдимн, тамом, дори сўнгги граммгача ерга тушади.

Шуни ҳам айтиш керакки, заҳарли дориларни ишла-тишда бошқа усул ҳам бор. Областнинг «Ленинбод», «Москва», Ленин номли колхозларида, яна бир неча сов-хозларда бу усулдан жуда унумли фойдаланилаётир.

Мана, яқиндан буён деҳқонлар бир саволга жавоб излашяпти: Заҳарли дорини самолётда сепган маъқул-ми ёки тракторлар ёрдамидами? Мен бу саволга қўйида-ги мисол билан жавоб бермоқчиман.

Термиз районидagi Жданов номли ва «Коммунизм» колхозларини олайлик. Биринчиси, трактордан фойда-ланган, иккинчиси эса авиациядан. Жданов номли кол-хозда ўза зараркундаларига қарши ишлов берилган майдон 6500 гектарни, «Коммунизм» колхозида эса 22 минг гектарни ташкил этди. «Коммунизм» колхозини

аъзолари 11 марта ишлов берншиди, ждановлик пахтакорлар эса бор-йўғи 3,7 марта, Жданов номли колхозда бир гектар майдонни дориллаш учун 26 сўм сарфланарди. «Коммунизм» колхозида эса бу кўрсаткич 73 сўмни ташкил этди.

Заҳарли дориларни тракторлар ёрдамида сепганда кишилар саломатлиги сақланади. Ариқдаги сув тоза оқади. Уй ҳайвонлари учун беҳатар бўлади.

ДЕҲҚОН — ЕР ТАБИБИ

Термиз районидаги «Қизил Юлдуз» колхозининг 6-бригадаси. Шийпон худди меҳмон кутиб турган ҳовлидек топ-тоза, сув сепилган.

Шийпондан хиёл нарироқда зилол сув тўлиб оқиб турган ариқ ёнидаги тандирдан нон ҳиди келади. Самовар шарақлаб қайнаб турибди. Юзи қуёшда товланган киши челақда помидор кўтариб келди. Бригадир унга «ўн-ўн бешта қовун-тарвуз ҳам келтиринг», деди. У хўп деганча изига қайтиб зовур томонга қараб кетди. Бригадир бизга тушки нонушта вақти яқинлашиб қолганлигини, колхозчилар ҳализамон келишиб бу ерда ҳарорат қайтгунча дам олишларини айтди. Телевизор, радио ҳам бор экан.

Шу пайт «Москвич», унинг изидан яна бир енгил машина келиб, хирмон яқинида тўхтади.

Бригадир машиналардан тушаётган кишиларга диққат билан тикилиб турди-да кейин ўрнидан лип этиб турди. — Э-э, ўзимизнинг мусобақадошимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи Бозор Раҳмонов-ку!

Бригадир улар сари юрди. Бозор Раҳмонов билан Турдиқул Чорнев қучоқлашиб кўришишди.

— Турдиқул, билакларинг бунча қаттиқ. Филнинг кучи борми, дейман?

— Ҳа, энди...

— Ишласа, куч бўлади-да, Бозорбой, — деди Маматқул Азизов.

Турдиқул Чорнев меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди. Бозор Раҳмонов: «Олдин далани кўрайлик, кейин ўтириб бамайлихотир суҳбат қилармиз», деди. Улар дастлаб шийшон яқинидаги далага оралашди. Бозор Раҳмонов тўғри келган бир туи ғўза ёнига келди-да, энкайиб, овоз чиқарганча кўсак санай бошлади: «бир, икки, уч... ўн... йнгирма беш». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маматқул Азизов ҳам: «қанн, манависникин неч-тайкин?» деб, ўрта бўйли ғўза кўсагининг ҳисобини олди. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Охири, ҳамма бараварига, ўртача йнгирма бештадан кўсак бор, деган хулосага келди. Иккинчи дала кўсаги ҳам шунча хомчўт қилинди.

Маматқул Азизов устара билан текис қиртишланган бошидан похол шляпасини олиб, семиз юзини елишди.

— Оббо, азамат-эй... — деди жилмайиб. — Мен шу колхозга йнгирма йил раислик қилдим. Аммо августда йнгирма бешта кўсак санаш орзуси билан пенсияга чиқдим. 26—28 дентнердан ҳосил олсак, дўпинини осмонга отардик.

— Кейинги йилларда ҳақ бермай қўйганди бу ерлар, — деди ҳали гапга аралашмай, турган механизатор Холёр Ризаев. — Ер ориқлади. Тракторни оралатишга юрак дов бермай қолди. Осмондан бир томса бўлди, ер лой бўларди қоларди. Шу атрофдаги қарийб олтиш гектар ер ташландиққа чиққанди.

Ҳа, жуда оғир эди ўшанда. Ер чарчаган, бунинг устига чигит ниш отмасиданоқ пайкалнинг бошидан охиригача бегона ўтдан кўм-кўк бўлиб кетарди, — дея эслади Турдиқул Чорнев. Дастлаб олақуроқ кўчат олди. Ҳосил кам бўлди. Планини зўрға бажардик. Олдиндан қолоқ деган ном орттирган бригада-да, хоҳ катта, хоҳ кичик йнгилиш бўлсин, биринчи бўлиб бизни тилга олишарди.

«Янги бригадир ҳам пахта тилини тушунмади, аҳволни ўнглолмади», дейишарди. Мен эса елка қисиб, индамай ўтиравардим. Раҳбарлар бизни танқид қилишар, мен эса миқ этмасдан ўтирардим.

Мен уч масалани правление олдига қўйдим. Биринчиси, ҳар картанинг тўрт томонидан ҳам зовур қазिश керак. Иккинчиси, гўнг чиқариш учун икки ой муддатга тўртта тележкали трактор берасиз, дедим. Учинчиси биз ҳам ҳов юқорида, катта ариқ бошида турган бригадалар сингари шошмай, кўзимиз тўйиб сув олсак.

Ранс кўп ўйлаб турмади. «Биринчи талабингизни ба-жаришга ҳозирча ваъда беролмайман, аммо кейингиларни ўз қўлимизда», деди. Мен «зовур қазилмаса, ернинг захини кетказиб бўлмайди. Ерда зах бўлгач, дуруст ҳосил олиш амри-маҳол, ранс», дедим. Хуллас, районга бордим. Олдин бошқармага, кейин райисполкомга кирдим. Бўлмади. Охири, райкомдан иш битди, экскаваторлар ишга тушди. Даланинг ўртаосидан, четидан, хуллас, сизот суви юзага урган жой бўлса, зовур қаздирдик.

Бригада заҳматкашларни қиш ойларида бутун далага гўнг, эски девор тупроғи сочиб чиқишди. Сизот суви зовурларга оқиб тушибди. Эгатни бостирмай, гўзани ўз маромда сугоришибди. Тер тўкиб қилинган меҳнат ўз самарасини берган: бригадада ҳосилдорлик 25 центнердан ошган. Кейинчалик битта бош зовурни қолдириб, бошқаларини текислаб, чигит экишган. Шундай қилиб, 50 центнерлик марра эгалланган.

Турдиқул Чориевнинг ҳикоясини тинглагач, беихтиёр бир воқеа эсимга келди.

1972 йили деҳқонни сув ташвиши шошириб қўйди. Жанубий Сурхон, Учқизил сув омборлари таги кўринай-кўринай, деб қолди. Назорат ошди. Сув масаласи обком, райкомда деярли ҳар кун қараб чиқилди. Кўплар маъулиятсизликда айбланди ҳам. Шунинг учунми, қашқада-рёллик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ҳам олдинги

Йиллардаги сингарн кўсак, гул санаб юрмадилар. Эътиборни сув тақсимотига қаратншди.

Қашқадарёлик меҳмонлар йўл бошидаги бир колхозда тўхташиб, илғорман деган бригада бошлиғи билан суҳбатлашишди.

— Ғўзани неча марта суғордингиз? — деб сўрашди бригадирдан.

— Неча марта? Ҳисобини ким ҳам оларди бундай пайтда. Ҳар навбат келганда — бир, шу орада гидро-техникнинг қўнғлини овласак, яна бир суғордик. Рансга, парткомга, агрономга учраб, уларнинг бирови рози бўлди дегунча, сув қулоғини яна пахтазорга бурамиз, шу... — деди бригадир бўлиқ ўсган ғўзаларга боқиб савол берган кишига зимдан қараб қўяркан.

— Ерингиз захлаб кетса, майлими? — деди меҳмонлардан бири.

— Нега захлайди? — бригадир ажабланиб қаради унга.

— Пахта сувни хоҳласа-хоҳламаса, оқизаверсангиз...

— Уйлаб кўрдим, меҳмон! Лекин бошқа иложи йўқда. Ғўза гулини тўкиб юборгандан кўра, ўсимлик ғовлаб кетса ҳам, ер зах тортса ҳам сув олиш имконияти бўлса, тамом, эгатларга оқизаверамиз. Бизда сув камёб. Ҳар йили шундай.

Аслида эса сув кам эмас эди. Ўша кунлари республикада хизмат кўрсатган агроном, кекса пахтакор, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Михаил Сергеевич Истомин Шеробод районини хўжаликларида бўлиб, сувдан фойдаланиш тартибини ўрганиб чиқибди.

— Урушдан олдин, ҳатто ундан кейин ҳам, токи эллигинчи йилларгача бу район ҳамма экин майдонларини биргина Шеробод дарёси суви билан суғорарди. Дарё суви баҳор, ёз ойларида бир ярим-икки куб атрофида бўлади. Шу сув экинга ҳам, чорвага ҳам, қовун-тарвузга ҳам етарди. Энди бўлса... ўн беш-йигирма кубни қўйинг, ўттиз куб ҳам камлик қилаётир. Ҳолбуки, район олаёт-

ган сув билан яна бир район ерини сугориш мумкин. Ҳа, шундай... Мана, ниша учун сув ташвишидан қутилма-ётирмиз! Ҳа... илгари оз эди, қадрига етардик. Энди бўлса... Нега сувни зар деймиз-у, уни авайлаб, эъозламаймиз. Менимча, сувдан кам фойдаланиб, кўп ҳосил етиштирган, сувни қадрлаган деҳқонларни худди кўминг килограммчи теримчи, тонна-тонна пахта уйган «зангори кема» капитани рағбатлантирилгани сингари тақдирлаш керак.

Олинган ҳосилга ёки сугорилган ер ҳажмига қараб, сувчиларга мукофотлар беришяпти. Бу эса оддий усул. Бу билан сувни тежаб бўлмайди. Аксинча, сувчи гектарларни кўнайитириш учун суръат изидан қувади. Менимча... сувни ариққа сиққанича оқизмай, тош-тарози қилиб, ўлчаб бериш керак, ҳа! Ҳар томчи сув ҳисобда бўлсин. Бир томчи сув эвазига қанча ҳосил олинганлигини экономистлар, бухгалтерлар ҳисоб-китоб қилсинлар, чўтга ташласинлар.

Ўзаро текшириш бригадаси вакили бригадирга яна савол берди:

— Шу ернинг мўл ҳосил беришини хоҳлайсизми?

— Ҳа-да, меҳмон.

— Яхши ният. Аммо бу ер «айний бошлабди», — деди у кўпчиб турган нам тупроқдан бир снқим олиб, — шу йил, тамом... эҳтимол. Қелгуси йил бу кўчатни ололмас-сиз.

Бригадир безовталаниб қолди.

— Ростданми?

— Тажрибадан маълум-ку. Тупроқ донаторлигига пугур етган.

— Ер шўрига тўйинган сув ғўза илдизини чиритади, қўяди.

Худди шундай бўлди ҳам. Бригадир ғўзани касалликдан халос қилиш учун кеча ҳам, кундуз ҳам тинмади. Райондан мутахассислар келишди. Агроном китоб варақлади. Ранс химиявий моддалар етказиб берди. Йўқ, ило-

жи топилмади. Ғўза қарий бошлади. Саргая бошлаган япроқ эса қуёш нурини бир маромда ўзлаштира олмади. Натнжада кечки гуллар тўкилди, кўсакларнинг бир қисми етилмай қолди.

Бригадир эса ҳар вақт баландни кўзлаб келган эмасми, эл ўртасида уятга қолди. Охири, ариза бериб, бригадирликни топширди.

* * *

Искандар Ҳолматов — бир неча йиллар машъал Жар-қўрғондаги «Москва» колхозини бошқариб келди. Ҳозир қўриқ ерда дастлаб «Советобод» совхозига директор бўлди. Сўнг қишлоқ Советига раислик қилди.

«Москва»ликлар ибрати кўпларга намуна. Қолхоз пахтакорлари илгари қирқ центнерчилар, деган номни олишган эди. Ҳозир уларни ҳамма эллик центнерчилар деб атайдди. «Москва» деҳқонлари ўзига тўқ. Искандар Ҳолматов шу колхозда донг таратди. Унинг кўкрагини бир неча орден беаб турибди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, йиғилишларда унинг жойи — мажлис ҳайъати ўртасида.

Бир суҳбатда раисдан сўрадим:

— Ҳўжалик ерлари янгиими?

— Йўқ! — деди раис. — Уруш йиллари ҳам пахта, ғалла экилган.

— Нима, сизнинг ерингиз чарчамайди?

— Биз ерни асло чарчатиб қўймаймиз. Худди шифокор сингари қалбига қўлоқ тутиб, касалини аниқлаймиз, дорн-дармон берамиз.

— Қандай қилиб?

— Жуда оддий. Кўплар ер чарчаса, азот-у суперфосфатга ёпишишади. Биз ундай қилмаймиз. Маъдан дориларни ҳам берамиз-у, лекин ёпишиб олмаймиз. Одам, биласизми, нимага ёпишиб олса, ўшани халоскор деб ўйлайди-да, меъъердан ошириб юборади. Ортиқча берилган минерал ўғит ер кучини оширмайди, аксинча уни

дармонсиз қилиб қўяди. Маҳаллий ўғитнинг эса йўриғи бўлак.

Профессор Д. Л. Арманд маҳаллий ўғит нафини азот ва суперфосфатдан устун қўяди. Унингча, минерал ўғитлар билан экинни бир мавсум ознқлантириш мумкин, холос. У тупроқ унумдорлигини маълум муддатгагина оширади. Маҳаллий ўғит-чи? Бу тупроқнинг физик ҳолатини яхшилайдн, юшатади, намни сақлайди, ўсимлик илдизига ҳаво бемалол ўтаверади.

Ер кучсизлангач, одамлар унга ёрдамга келганлари деҳқончилик тарихида жуда кўп бўлган. Ер инсонни боққач, одамлар ҳам ерни боқишлари керак-да. Биз институтда ўқиган вақтимизда домлампиз ўтган асрда Фарб мамлакатларида «яшил революция» бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилган. Шунда тупроқ унумдорлиги беш-олти марта ошган. Бир деҳқон қирқ нафар шаҳарликни боқиш имконига эга бўлган. Хўш, қандай қилиб? Деҳқон гўнгдан фойдаланишни ўрганган. Спри шунда, холос.

Англияда ҳозир ҳам яхши тажриба бор, дейишадн. Айтишларича, сигирхоналардан далаларга қувур ўтказилган, худди водопровод қувури сингари. Гўнг сувга аралаштирилиб, шарбат қилинаркан-да, ўша қувурлар орқали далага оқизиларкан.

Мен институтни тамомлаб келган йилларим райони-мизда бообрў бир ранс бор эди. Ростн, йилгилишларда унинг сўзларини бутун вужудимиз билан тинглардик. Гўё деҳқончиликни ҳеч ким унингчалик билмасди. Бошқалар унинг оғзига қараб турншарди. Рансини дегани-деган эди.

Аммо ўша колхоз агрономи бир гал бизнинг далаларни кўздан кечирди-да, эгатлардаги гўнгни кўриб:

— Мана бу бўлак гап. Мана бу агрономнинг ақли билан бўлган иш, — деди.

Мен унга:

— Сизнинг ҳам ўз қўлингизда-ку. Далага хоҳлаганча гўнг ташиб чиқаверинг-да, — дедим.

У бош ирғади.

— Қўлимда эмас экан-да. Агроном ҳам, инженер ҳам, ҳатто партком ҳам — раиснинг ўзи. Раис йўқ деса бўлди, минг ўйлаб режа тузавер, бир чақага қиммат. Яқинда гўзага шарбат суви оқизамиз деб, ўзимча ўйлаб қўйдимда, раисдан ҳам сўрамай, бешта-ўнта тележкани фермага жўнатдим. Маҳаллий ўғит ташийсанлар, дедим.

Раис эрталаб идорага чақирди.

— Колхозда неча транспорт бўлса, ҳаммасини станцияга жўнатиб. Бир амаллаб, олтмиш — етмиш тонна суперфосфат олдик. Зап иш бўлди-да, аммо! — деди хурсанд бўлиб. Мен бир неча тележка гўнг ташиётганлигини айтдим. Раиснинг қовоғи ўша заҳотиёқ уюлди. «Гўнг деганингиз йилнинг қайси фаслида бўлса ҳам ириб-чириб ётибди. Лекин суперфосфат... Бунни ҳозир олсангиз, олдингиз, эртага қолса, тамом, укам, — деди раис ва буйруқ оҳангида давом этди. — Ҳозироқ ҳамма транспортни жўнатиб».

— Уша раис колхозни яна беш йил бошқарди, шекилли, — деди Искандар Холматов бошидаги дўпписини босиброқ кияркан, стол устидаги чўт соққаларидан бештасини ажратиб, шақ этказиб ташлади. — Шу беш йилда орттирган обрўсини сотди, холос. Сўнгги икки йилда пахта плани бажарилмади. Чорва ҳам оқсади. Бригадирлар билан раис ўртасида келишмовчилик найдо бўлди. Хуллас, сўнгги ҳисобот — сайловда ҳеч ким уни ёқлаб овоз бермади.

Хўжаликка колхоз агрономини раис қилиб сайлашди. Янги раис ўзи ўйлаб юрган режаларини амалга оширди. Колхоз бўйича алоҳида гўнг ташиниш бригадаси ташкил қилинди. Ҳатто пахта терими олдида ҳам гўзага азот, суперфосфат ва бошқа минерал ўғитлар билан бирга гўнг аралашмаси берилди. Ғалла, бедага ўғит солинади. Бригадир-у агроном, инженер-у механикнинг ақл ишлаши, ижодий изланиши учун кенг имконият берилди,

уларнинг яхши маслаҳатлари инobatга олинди. Қолхоз оёққа турди.

— Шундай гаплар, ер ҳақида ҳар биримиз қайғурин-шимиз керак.

МАҚТОВНИНГ ЙҮРИГИ

Механик-ҳайдовчи Светлана Продан чўлқувар қизлардан бири билан худди шу мавзуда тортишиб қолган эди.

Светлананинг номини областда ҳам, республикада ҳам танимайдиган киши кам топилса керак. У Шеробод чўлқуварини ўзлаштириш учун биринчи бўлиб енг шимарган хотин-қизлардан. Светлана областда бошланган турсунойчилар ҳаракатининг ташкилотчи ва ташаббускори. У бир неча орденлар соҳиб. Ўзбекистон ССР Олий Советига қайта-қайта депутат қилиб сайланди. Шу машҳур механизатор билан оддий теримчи қиз суҳбатлашиб қолди.

Суҳбат нимадан бошланди денг? Светлана теримчи қиздан мавсумда қанча пахта терганлигини суриштирди.

— А-а, қўйинг! — деди қиз қўл силтаб.

— Ҳа, сентябрдан ноябргача тонг оқармай далага чиқиб яна тун қоронғисидан даладан қайтгансиз. Шундай меҳнат эвазига йиғилган тонналарни яйраб-ёйилиб айтиш ўрнига қўл силтаб қўйишингиз маънисини нима? — Светлана ўзи украиналик бўлса-да, ўзбекчани нуқсонсиз гапиради. Ҳазил, қочирриқ сўзларини жуда жойинга қўяди. Теримчи қизга жилмайиб, илиқ боққанча деди. — Нимабало, куёвхонтўра оз терибсан, дедимн ё?

Қиз ердан кўз олмай, бир тебраниб қўйди, қошларини маънодор учирди.

— Қўйинг-е, куёв деганингни... ҳали ўйлаб кўрганам-ча ҳам йўқ. Бошқа нарсадан хиёл ранжидим. Биласизми.. Ҳай, энди, айта қолай. Олдин, йил бошида бир қизини мусобақага чақиргандим, ўз хоҳишим билан. Бригада

аъзолари йиғилишида ҳаммага эшнттириб, «Мен Зухра билан мусобақалашаман», дегандим. Теримга тушгач, ҳамма ш аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Ким-ким билан мусобақа қилаётганини билмай қолди. Бригадамиз, кўп терган голлиб, деди. Мусобақа шундай бўладими ёки? Мен, масалан, ҳамма бригада аъзоларини мусобақага чақирганим йўқ-ку? Теримнинг биринчи ўн кунлиги якунланганда, бригадиримиз нима деди денг: «Мана, Норой ҳамма теримчиларни енгиб чиқди. Яша, синглим. Сени правление бир кўйлаклик атлас ва ўнбеш сўм пул билан мукофотлашга қарор қилди». Бригадир топширган ўрамни очиб кўрдим. Ўзимизнинг Бойсунда тўқилган шойи экан атлас деганлари. Уша онда кўнглим бир чўкди. Рост меҳнатингга яраша баҳо олмасанг, иззат-нафсингга тегаркан. Менга ўтган йили ҳам бир неча марта худди шундай мукофот беришганди. Фақат пул тўрт-беш сўмга кўпаярди-ю, колхозчинини қизқитирадиган мато ўзгармасди. Кейин билсак, колхоз Бойсун шойисидан олдинги йили, бир амаллаб, анча-мунча олинб, тахлаб қўйган экан. Энди эса теримчи борми, чорвадор борми — ҳаммага шу шойидан тақдим қилишаётганди.

— Яхши қилишмаяпти, — деди Светлана қовоқларини чимириб. Бир йили менга ҳам шундай уст-устига бирихил нарса беришаверди. Учинчими, тўртинчими марта яна қўнғир чийбахмал ва бир оз пул олинб келишди. Сизга-ку бригада аъзолари ўртасида топширишибди. Менга, шундай далада, машинадан тушишга ҳам улгурмасимдан, қогоз ўрамини узатишганди... Уша кунни кўнгилдагидек ишлай олмадим. Эртаси кунни ҳам кайфиятим ўнганмади. Ана, кўрдингизми улар менинг кўнглимни кўтараман деб, аксинча қўлимни ншдан совутиб қўйишганди.

— Мен ҳам, — деди теримчи қиз. — Ўзимча, э, бор-е, терсанг ҳам термасанг ҳам ўша шойини оласан-да, дедим.

— Гап менмча, шойида ҳам эмас, — деди Светлана. Продан қўлндаги газетани буклаб. Гап — меҳнатни

қадрлай биллишда, теримчи ғайратини ошириш, у чарчаб-ҳориб қолган пайтда чарчоғини бостириш йўлини ўйлаб тинишда! Бунинг учун ақлни ишлатиш керак. Ахир, мусобақани ижодий иш дейишади-ку. Демак, илғорларни рағбатлантиришга ҳам ижодий ёндошиш керак. Шундайми?

— Рост айтасиз, онажон. Мукофотлаш тартибини ҳам партия ташкилотининг ойлик, квартал ва йиллик каби ишлаб чиқилса теримнинг биринчи, иккинчи ва ҳоказо ўн кунликларни, бошқа мавсумий ишлар даври учун илғорларни тақдирлаш тартиби белгиланса. Ҳар бригада, ҳар участка, бўлим ва, ниҳоят хўжалик бўйича шундай қилинса. Қолаверса, унда мукофотларни қачон ва қим топшириши, қаерда ва қимлар нштирокида топширилиши ҳам аниқ келишиб олинса, расмийлаштирилса. Бу тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши худди бригада ва хўжаликда, айтишлик, кунлик терим графигининг бажаришдек мажбурий бўлиши лозим.

Светлана Продан ўйланиб қолди. Теримчи қизнинг сўзларини ақл тарозисига солди. Ўрнидан турди-да, хона деразаси орқали қатор тизилган пахта териш машиналарини бир-бир санаётгандек, киприк қоқмай қараб турди-да, кейин теримчи қизга ўгирилди.

— Чиндан ҳам оқилона фикр, деди. — Мусобақа номига бўлмаслиги керак. Эҳтимол, чуқурроқ ўрганиб кўрилса, ҳалиги графикнинг бажарилмаслик сабаби ҳам худди шунга келиб тақалар. Мана Жаркўрғондаги «Қизил Октябрь» колхозини. 1973 йили партия ташкилоти йиғим-теримни намунали ўтказиш бўйича тадбир тузди. Тадбир билан танишган киши колхоз пахта териш планини областда биринчи бўлиб бажаради, деган ҳулосага келиши аниқ эди. Бу натижага улар асосан мусобақани қойил-мақом қилиб йўлга қўйиш орқали эришамиз, дейишганди. Оқибат, нима бўлди? Тадбир тузилди, холос. Иш эса ўз йўлида, аввалги ҳолида кетаверди. Кол-

хоз сал бўлмаса карвоннинг охирида судралиб қолай, деди.

Мусобақа пахта эмас, уни қўлга олиб, силаб-сипаб бўлмайди, у кўзга ҳам пахта сингари кўринмайди. Лекин у шу хирмонни яна юксалтириш, бункерларнинг тез-тез тўлишини таъминлаш кучига эга. У деҳқонга шундай беҳисоб куч-қувват берадики, ҳар қандай оройиш, ҳар қандай ҳордиқ ҳам унга шунчалик қудрат бахш этолмайди.

Яна ҳалиги Бойсун шойиси, чий бахмал масаласи. Нима, одамлар ўша матоларни олишга шунчалик ишқин-возми? Йўқ, шундай ўйлайдиганлар бўлса, қаттиқ адашишади. Хўш, голиб мукофот олганда нега севинади? У меҳнати правление томонидан муносиб баҳоланаётганлигидан севинади. Партия ташкилоти ҳамхўрлигини ҳис этиб қувонади.

Наҳотки, рағбатлантиришнинг бошқа йўли бўлмаса? Бор, албатта. Аммо деҳқон шундай мукофотларни олавериб кўникиб қолди. Бу шаблон тартибни ёриб чиқиш учун энди деҳқонни ҳам шунга тайёрлаш керак. Нега дейсизми? Масалан, сиз колхозда неча йил ишлаган бўлсангиз, правление фахрий ёрлиги ҳақида эшитган эмасиз. Бу ёрлиқ берилган тақдирда ҳам, эҳтимол, маънавий кучи бўлмас. Чунки сизнинг ёрлиқ олганлигингиз ҳақида на «Молния» да, на «Жанговар варақа» да эслашади, на колхоз ҳисобот йиғилишида, на бошқа йиғилишларда. Шойи-бахмал олсангизчи? «Фалончи шундай нарса олди» дейишади.

Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозида ибратли бир тартиб бор. Бу айниқса пахта йиғим-терими мавсумида яққол кўзга ташланади. Бу хўжаликка борган кунни бригадалараро мусобақа якунини қараб чиқишаётган эди.

— Қайси бўлим голиб келди?

— Тўртинчи бўлим, — деди партком секретари.

Ўша кунни кечга яқин дирекция, партия ташкилоти бюро аъзолари, бўлим бошлиқлари, участка агрономлари идорага таклиф қилинди. Унга қадар «Молния» чиқарил-

ди. Деворий газетанинг янги сони ҳам тахт бўлди. Идора остонасида таклиф қилинганлар иштирокида ихчамгина тапанали митинг ўтказилди. Митингда дирекция ва партия ташкилоти қарори ўқиб берилди. Шундан кейин голиб бўлим шарафига байроқ кўтарилди. Байроқ таёғи ўрнатилган «Хурмат тахтаси» га олдиндан тайёрлаб қўйилган тахта жойлаштирилади. Унда бўлим бошлиғи Одил Беккамовнинг исм-фамилияси ёзилган бўлиб, бўлимнинг бир ўн кунликда эришган натижалари ўз аксини топганди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас совхоз радиоси орқали голиб бўлим шарафига байроқ кўтарилганлиги маълум қилинди. Бу янги ахборот бир неча марта қайтариб айтилди. Шундан кейин бўлим пахтакорлари шарафига совхоз ҳаваскорлари иштирокида концерт эшиттирилди, ҳаваскор шоирлар ўз шеърларида илгор механизаторлар, теримчилар, бригадаларни мадҳ этишди.

Иккинчи кун бўлимларда голиб бригадалар шарафига байроқлар кўтарилди. Байроқни илгор ишчилар кўтаришди. Бу йиғилишларнинг ҳаммасида дирекция ва партия ташкилоти вакиллари иштирок этишди, улар теримчиларни янги ғалабаларга ундадилар. Ҳар кун ёнма-ён юрган бригадир ёки бўлим бошлиғининг «гайрат камарини маҳқамроқ боғланглар», деган сўзини эшитиш қайда-ю, бошқа аллақанча ишларни бир томонга суриб қўйиб, атайин сенинг билан юзма-юз бўлиб, қўлингни қисиб, самимий суҳбатлашиб, ҳол-аҳвол суриштириш учун келган масъул ўртоқнинг икки оғиз ширин сўзини тинглаш қайда! Дирекция ёки партком вакилининг бригада ёки бўлимга келишининг ўзи сенинг меҳнатингга бериладиган баҳонинг салмоғини оширади.

ЧУЛДА БАҲОР

... Баҳор. Олча, ўрик оппоқ гуллаган, тол, тут барг ёзиб ерга соя ташлаган. Қарахтлик уйқусидан уйғонган

қурт-қумурскалар уялари атрофида уймалашадн, эрин-чоклик билан тирнкчилк излайди.

Баҳор — табиатнинг энг гўзал ва серташвиш палласи. Дехқон тинчини йўқотади бу фаслда: тунлари хотиржам ухлай олмайди, тушида ҳам дала кўриб, дала кезади. Ҳаммаёқдан бульдозернинг тирнлаган овози эшнтилади, у киши билан дурда бўлган шудгорни бороналамоқда. Грейдерлар прожекторини ярим кечада ҳам, тонг саҳарда ҳам кўриш мумкин. Улар шудгорнинг ўнқир-чўнқирини текислайди. Ўз машиналарини соғиниб қолган универсалчилар рулга маҳкам ёпишиб, кафтдай текис ерга чигит экадилар.

Шеробод чўлига борганимда худди шундай жўшқин меҳнат устидан чиқдим. Одамлар бош қашлашга вақт топиша олмасди. Улар гўё вақт билан беллашар эдилар. Ҳеч кимга халақит бергим келмади. Якка ўзим дала айландим.

Кенг пайкалда чигит экиляпти. Унинг бир ёни пастак тепалик биқинига туташган. Шудгорда «ДТ-24» сузиб юрибди. У очаётган эгатлар тандани эслатади. Трактор жилови буғдой ранг, зуваласи пишиқ йиғитнинг қўлида. Унинг солидол тегиб, солярка тўкилавериш сахтнён бўлиб кетган коржомаси ўзига ярашиб турибди. Бу йиғит Отамурод Худойназаров «Комсомолобод» совхозидаги комплексе механизациялашган бригаданинг бошлиғи. Шўрчидан келган. 1966 йилда энг шимариб, чўлга ҳужум бошлаганлардан бири. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«ДТ-24» шудгор четига етди. Отамурод «Универсал» тормозини босди. Машина бир силкиниб тўхтади. Унинг соябонидан чанг кўтарилиб, йиғитнинг елкасига, юзи ва қошига қўнди. Отамурод бунга эътибор бермади. Орқага қараб туриб, сеялканинг тишларини кўтарди ва «Универсал»нинг усталик билан буриб олди. Икки киши қозоғ халтадаги чигитни сеялка бункерига бўшатиб, изига қайтди. Сеялкачи йиғит чигит устини ўнг кафти билан

текислаб қўяркан, Отамуродга ҳайдайверинг, дегандек имо қилди.

Сеялка изидан чанг кўтарилди. Бироқ шудгор чанги йирик ва сийрак эди. Чанг кўтарилган жойидан атиги бир неча эгат нарига бориб, ерга беозор қўнди. Шудгор об-тобида эди. «Ҳаво тинч пайтида шудгор чанги баландга кўтарилдими, демак, ернинг нами қочган бўлади. Бу ерда ўстирилган ғўза кам ҳосил беради. Чигитнинг талай қисми чириб, нобуд бўлади», — хаёлимдан кекса деҳқон Улаш ака Туропов айтган шу фикр ўтди.

Табиат ҳусни кишини беихтиёр сеҳрлаб қўяркан. Бир маромда қадам босганча, «Занг» каналининг кичик тармоғига яқинлашдим. Шу тармоқнинг ўзидан «Советобод» совхозининг 2100 гектар ери сув ичади. Каналга ҳали ном қўйилмаган. Тушунтиришга тўғри келганда «Занг»нинг «прогни» дейишади. Канал бўйлаб, туя ўрқачи сингари паст-баланд бўлиб кетган тупроқ уюмларидан бирига чиқдим. «Ирмоқ» анча кенг, сув секин оқарди.

Чўл... У ер-бу ерда гирдоблар кўзга ташланади. Уларнинг айримлари тезда йўқолади, айримлари тобора катталашиб осмон-фалакка қум, хас-чўпларни учуриб гир айланади. Ҳар тарафда табиат жавлон уради. Беноён даштга маҳллё бўлиб қоласан киши. Тинмай югуриб-елгинг келади. Ҳолбуки, асрлар давомида бу ерлар «қуш учса қаноти, инсон юрса оёғи қуяди»ган, эртаклардаги «борса келмас»лар мана шу ерлар эди.

*

«Янгиобод» совхозидagi Ибн Сино номли мактаб ўқитувчиси Жумабой Қурбонов чўлга келгач, уни болаларни тарбиялашдан бўлак яна бир муҳим иш қутаётганлигини сизди. У бўш пайтларида механизаторликни ўрганди. Кузда шудгор қилиш, баҳорда эгат очиб чигит экиш, ғўзани парварнишlash ишларида қатнашди. Кейин унинг илтимоси билан совхоз 20 гектар ер ажратиб берди. Жумабой ер очди, экди, парварниш қилди. Гектаридан

34,4 центнердан ҳосил олди. Планни 191 процент бажарди. «Яшавор-е, азамат! — дейишди совхоздагилар. — Лафзи ҳалол йиғит экансан!».

Яна бир мисол. Студент Шоди Очилдиев икки ойлик отпускази пайтида Тошкентдан чўлга келиб қолди. Дўст-ёрлари, қариношларини кўриб қайтиши керак эди. Лекин у қайноқ меҳнат устидан чиқди. Қуёш олов пуркаб оламни қиздирарди. Одамлар тер тўкиб ишлашарди.

Шоди ўзига-ўзи савол берди. «Машинани биламан. «Янгибод» марказига бориб, битта терим машинаси сўрасам, йўқ дейишмас?»

У совхоз инженерига учрашди. Инженер унга икки қаторли пахта териш машинасини таклиф қилди.

Шоди совхознинг 1-бўлимидаги машинабон қилиб ўстирилган пайкалдан бункер-бункер пахта тўка бошлади. Унинг номига ҳар куни 4—5 тонна пахта ёзиларди. У тўрт ҳафтага яқин тинимсиз ишлади, совхознинг 90 тонна пахтасини териб берди.

Яна бир мисол. Муста ота Турумов шўрчилик пахтакорларга яхши таниш. Пахтачиликда суянги қотган отахон серфарзанд, сердавлат одам. Лекин отани ҳам чўл чорлади. У «Советобод» совхозига келиб, 60 гектар ерни қабул қилиб олганди, кўшлар мийиғида кулди ҳам. «Зўрға кетмон кўтарса-ю, яна чўлда ишлайман дейди-я?» — дейишди айримлар. Бундай гапларни отахон ўз қулоғи билан эшитган пайтлари ҳам бўлди.

Муста ота чўлга келгач, қайтага яшариб кетди. Менман деган йиғитдан қолишмади. Бригадининг саккиз аъзоси ҳам Муста отадан ибрат олди. Биринчи йили 30 центнердан ҳосил етиштирди.

Чўлдагилар ҳам, ота тугилиб-ўсган колхознинг аъзолари ҳам Муста отага тан беришди.

МҮНДАРИЖА

Йигитнинг зўри ер очади	3
Эрдон .	. 18
Изланганга толе ёр	. 20
Пигит келса — ишга...	32
Куз қувончлари	37
Бўлакадирликлар	. 43
Деҳқон продаси 48
Ҳар ташвишнинг бир ҳаловати бор	. 51
Икки суҳбат 60
Деҳқон — ер табиби	. 70
Мақтовнинг йўриғи	78
Чўлда баҳор	. 82

Нарқул Хайиткулов

ЛЮДИ ТРУДОВОЙ СЛАВЫ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» — 1979 — Ташкент, 3-700129, Навои, 30.

Редактор *З. Содиқхўжаева*
Будиний редактор *А. Олимжонов*
Тех. редактор *В. Демченко*
Корректор *Ш. Мақсудова*

ИБ № 1215

Теришга берилди 5.01.1979 й. Босишга рухсат этилди 12.06.1979 й. Р 14136
Формати 70×108 1/32. № 1. Босма қоғозига «Литературная» гарнитурда
юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 3,85. Нашр. л. 3,83. Ти-
ражи 10.000. Зак. № 215 Баҳоси 15 т.

«Узбекистон» нашриёти, Тошкент, 3-700129, Навоий, 30. Шартнома 322—78.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
3-босмахонаси 2-цехи. Тошкент, А-700015, Т. Шевченко кўчаси, 52.

Ҳайитқулов Н.

Ҳ 19 Юлдузлар ёғдуси: — Т.: Ўзбекистон, 1979.—
86 б.

Ушбу тўпламда Сурхон-Шеробод даштларини ўзлаштириб,
мўл-кўл пахта етиштираётган меҳнат қаҳрамонлари, уларнинг
иш тажрибалари, хусусан пахта етиштириш соҳасидаги айрим
муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ёритилди.
Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Хайитқулов Н. Люди трудовой славы.

ББК 41.4+42.16
631.1+633.5

№ 354—79
Навой номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

Ҳ $\frac{40403-232}{M 351 (04) 79}$ 88—79—0802010204